

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Гулистон давлат университети**

**“БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ УСЛУБИЯТИ”  
КАФЕДРАСИ**

**Жўраев Фарзуннинг**

**БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ВА СПОРТ ТАРБИЯВИЙ ИШ ТАЪЛИМ  
ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА БАКАЛАВР ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН «Бошланғич  
синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этиш»  
МАВЗУСИДАГИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Рахбар: ўқитувчи Ё.Соипназаров**

**ГУЛИСТОН – 2012**

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ** .....

**I боб. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишда таълим-тарбия беришнинг педагогик асослари** .....

1.1. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари.....

1.2. Ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишнинг аҳамияти.....

**II боб. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари**.....

2.1. Ўқиш дарсларида ижодий ишларни ташкил этиш усуллари.....

2.2. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишда тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари.....

**Хулоса ва тавсиялар** .....

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**.....

**Иловалар**.....

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистоннинг келажакдаги равнақи бугунги ёш авлоднинг тўлақонли тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг комил инсон бўлиб етишиши учун қайғуриши, уни эътиқодли ва маърифатли қилиб тарбиялаши лозим.

Таълим мазмунининг йил сайин ўзгариб, такомиллашиб бориши мактаб ва ота-оналар олдида янги талаблар қўймоқда. Таълим-тарбия тизими жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар, янгиланиш жараёнлари билан уйғун ҳолда ривожланмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга оширишга эътибор қаратилди. Бу борада Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 9-сессиясида (1997 йил 29 август) сўзлаган «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги маърузаси алоҳида аҳамиятга эга.

Мазкур нутқда Президент таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асл моҳиятини аниқ тушунтириб беради: «...бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси, тақдири буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, янги мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз, фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаши, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан курашиши мумкин», - деди ва бу вазифаларнинг ҳал этиш йўлларини кўрсатиб берди.

**Тадқиқот мақсади-** Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишнинг мазмуни, шакл ва методларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** – ўқиш дарсларида ижодий ишларини ташкил этишда, ўқувчиларга таълим-тарбия беришни шакллантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** – бошланғич синф ўқиш дарсларида ижодий ишларини ташкил этишнинг мазмуни ва шакл- методлари.

### **Тадқиқот вазифалари**

1. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ижодий ишларини ташкил этиш педагогик муаммо эканлигини назарий жиҳатдан асослаш.

2. Ижодий ишларини ташкил этишда ўқувчиларда таълим-тарбияни шакллантиришнинг педагогик хусусиятларини ишлаб чиқиш.

3. Асарлар ёрдамида ўқувчиларда яхши фазилатларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаш.

4. Асарлар ёрдамида ўқувчиларда ижодий фазилатларни шакллантиришни таъминлайдиган шакл ва методлар, воситалар тизимини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва тажрибада текшириш.

5. Дидактик асарлар ёрдамида ўқувчиларда ижодий ишларини шакллантириш бўйича ўқитувчилар учун методик тавсиялар тайёрлаш.

**Тадқиқотнинг методологик асослари.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент И.А.Каримовнинг таълим-тарбия ҳақидаги асарлари ва нутқлари, Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар концепцияси, Ўзбекистон давлатининг миллий ва маънавий қадриятлари ҳақидаги фармонлари, ҳукуматимизнинг умумий ўрта таълим мактаблар ҳақидаги қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунлари, Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари, баркамол авлод тарбиясига оид фалсафий, психологик, педагогик таълимотлар, мавзуга тегишли илмий-педагогик, методик манбаларни ташкил этади.

### **Тадқиқот методлари:**

- Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, педагогик кузатув;

- суҳбат, анкета, олинган маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий аҳамияти** қуйидагиларда ўз аксини топган;

- Бошланғич синф ўқиш дарсларида ижодий ишларини ташкил этишнинг моҳияти илмий асослаб берилди;

- бошланғич таълим босқичи 1-4-синф ўқувчиларида ўқув фаолиятини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари, уни ўқув тарбия жараёнида амалга ошириш услубияти ишлаб чиқилди;

- ишлаб чиқилган услубиятнинг педагогик самараси, тажриба- синов ишлари синфларда текшириб кўрилди.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти.**

Бошланғич таълим бўйича тавсиялар, ўқувчилар тарбиясига оид илмий назарий маърузалар тайёрлашда, дидактик асарлар ёрдамида ўқувчиларини тарбиялаш ишларини такомиллаштиришда, иш тажрибаларини оммалаштиришда, тарбиявий ишларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши.** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар, иловалардан иборат.

## **I БОБ. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчилар ўқув фаолиятини ташкил этиш воситасида ўқувчиларга**

### **таълим-тарбия беришнинг педагогик асослари**

#### **1.1. Ўқув фаолиятини ташкил этиш воситасида ўқувчиларга таълим-тарбия беришнинг мақсад ва вазифалари**

Болаларга илк тарбия асослари оилада берилади. Фарзандларга бошланғич таълим беришда таъсирчан куч – оилавий тартиб, яъни уларнинг ўзаро муносабати, ота-онанинг хулқ-атвори, маънавий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқалардан иборат бўлади.

Фарзандга таълим-тарбия бериш аввало оиладан бошланади. Шу боис оиладаги муҳит, ота-онанинг болага бўлган муносабати оилавий турмуш иқлимига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда маънавиятни шакллантиришга замин бўлади. Бола тарбияси ва бошланғич таълимда жамият маънавиятининг аҳамияти катта. Фарзандларга миллий қадриятлар, хусусан, Шарқ алломалари қолдирган бой мерос асосида таълим-тарбия бериш муҳим аҳамият касб этади. Улуғ алломаларимиз асарларида болаларга гўдаклик чоғиданоқ катталарга ҳурмат ва кексаларни эъзозлаш, ота-онага алоҳида эҳтиром кўрсатиш, ўзидан кичиклар иззатини ўрнига қўйиш каби ажойиб қадриятларимизга таяниб иш кўришга чақирилади. Шу маънода ҳам «Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак, соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз...», - деб таъкидлайди Президентимиз Ислон Каримов.

Юқоридаги фикрлар қадимда ўтмиш алломаларимиз томонидан кўп бора таъкидланган ва ҳаётий ҳикматга айланган.

Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида бола таълим-тарбиясига, дунёқарашининг кенгайишига ва шахси ривожланишига оид қимматли

фикрлар кўплаб баён этилган. Халқимизга хос бўлган тортинчоқлик, андиша каби психологик хусусиятларни чуқур англаган улуғ бобомиз инсонни фаол бўлишга, билим эгаллашга ундаб, шундай ёзади:

*Билмаганни сўраб ўрганган олим,*

*Орланиб сўрамаган ўзига золим.*

Яна бир ҳикматида:

*Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур,*

*Қатра-қатра йигилиб, дарё бўлур- деб ёзади.*

Ҳадиси шарифда ҳам қуйидаги ибратомуз фикрлар баён этилган: *«Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир», «Илм олиши ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», «Бешикдан то қабрга киргунча илм излангиз», «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир».* Бу пурмаъно фикрлар ҳам болаларга таълим беришда муҳим ўрин тутади.

Халқимиз фарзандларини доимо табиатга меҳрли бўлиш, теварак-атроф, сув, ҳаво, тупроқ, ҳайвоноту наботот оламини асраб-авайлаш, инсонни олий қадрият деб билиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаган. Булар ҳақида ҳам шундай бебаҳо ўғит ва йўл-йўриқлар, умуминсоний аҳамиятга молик фикрлар баён этилганки, улар ҳозирга қадар ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Улуғ мутафаккирларимиз Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, шеърят мулкининг султони Мир Алишер Навоий билан бир қаторда диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассамлаштирган Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодидан баҳраманд бўлиш ҳам таълимий, ҳам тарбиявий таъсир кучига эга.

Бола шахсини ривожлантириш, дунёқарашини ўстиришда Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни катта. Уларнинг ҳаёти, ижоди, ахлоқий таълим ва ўғитлари ёш авлодни тарбиялашда мерос ҳисобланади. Улар ижодига хос хусусият – илм-маърифатни улуғлаш, ахлоқ масалалари, Ватанни севиш, инсонпарвар бўлишга ундашдан иборат бўлган.

Ҳа, келажакка ишончимиз, умидимиз бўлган фарзандларнинг соғлом, жисмоний бақувват, руҳий ривожланган, билимдон, баркамол инсон бўлиб етишишида замонавий билимлар билан бир қаторда бутун дунёда умуминсоний қадрият сифатида эъзозланадиган бой илмий-бадий меросимиз асосий таянч вазифасини ўтайди. Шу боис ҳам фарзандларимизга илк таълим бериш босқичида, бола шахсининг тўлақонли шаклланишида замонавий илм-фан ютуқлари ва аждодларимиз яратган буюк қадриятлар уйғунлашган ҳолда ўзлаштирилиши зарур.

Комиллик мазмунида ўтмишимизнинг бой маънавий мероси, улуғ мутафаккирларимизнинг илғор таълимоти, тафаккур дурдоналари мужассамлашганки, улар маънавий-ахлоқий тарбияда муҳим ва қимматли манба ҳисобланади. Чунки, ўтмиш маънавий-ахлоқий тафаккури илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлар, ахлоқий қарашлар бугунги тараққиёт учун ҳам, ёш авлод камолоти учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Шунга кўра биз учун кадрли бўлган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ва қадриятларидан мустақил Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашда, ўқувчилар маънавий-ахлоқий камолотини тарбиялашда, кундалик турмушимизда кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимида ҳар жиҳатдан халқимизнинг бой маънавий қадриятлари ҳисобланмиш машҳур аллома ва мутафаккирларнинг маънавиятга доир ўғитларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, уларнинг асарларида ахлоқ-одоб доимо улуғланган. Чунки, хулқ-одоб

инсонга беқиёс ҳусн ва назокат бағишлайди, ота-онага ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш имконини беради.

Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида маънавий-ахлоқий ғояларни тараннум этиб, халқни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига кўтаришга чоғланганлар. Айниқса, Алишер Навоий ижодида комил инсон тарбияси асосий ўринда туради.

Буюк мутафаккир ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди давомида инсон ҳаётининг негизи бўлган маънавий-ахлоқий тарбияга катта беради. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда вақтни ҳам, кучни ҳам аямасликка даъват этади. Шоир шу билан бирга инсон ҳуқуқларини, унинг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳам ҳимоя қилди. У халқнинг осойишта ва бунёдкор ҳаётини бузувчи ёвузликка, халқнинг хўрланишига ва ижтимоий офатлар келтирувчи ходисаларга қарши чиқади. Халққа зўравонлик қилишни ёвузлик дея қоралайди. Шу сабабли, ўша даврдаги ўзаро урушлар ва ижтимоий фалокатларга қарши баралла бош кўтариб, унинг мудҳиш оқибатларини жонли мисолларда кўрсатиб беради.

Инсон камолотининг фазилатларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва туйғуси Навоий донишмандлигининг асосини, маънавий-ахлоқий қарашларининг бош мезонини ташкил этади. Барчага баробар адолат устивор бўлган тақдирдагина мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонликка эришиши мумкинлигини шоир ўз асарларида ёрқин ифодалайди.

Мамлакатнинг осойишталиги, ободончилиги, халқнинг низоларсиз тинч-тотув яшаши, турмушнинг фаровон бўлиши давлатни оқилона идора қиладиган доно йўлбошчига, адолатли шоҳга боғлиқ, дейди Алишер Навоий. Унинг замондоши, тарихчи олим Хондамир «Мақоримул ахлоқ» асарида:

«Адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди», дея – ҳазрат Навоийга юқори баҳо беради.

Буюк шоир саховат ва ҳимматни юксак фазилат қаторига қўяди. Унинг фикрича, яхшилик сари ва мухтожларга қарамли бўлишга интилиш ҳар бир

ахлоқли кишига хосдир. Шоир ана шу хислатга эга бўлмаган инсонни дурсиз чиганоққа, кўклам фасли осмонда сузиб юрган ёғинсиз булутга ўхшатади.

Унинг «Ҳайратул аброр» достонида етук шахсининг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги яхшилик, саховат, андиша, адаб, камтарлик, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, бағрикенглик сингари фазилатлари таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган. Шарқда инсон қадрини ғоят юқори даражага кўтариш унинг буюк орзуси бўлган.

Буюк мутафаккир ўзининг маънавий-ахлоқий тарбия тизимида хунар ўрганишга ҳам катта эътибор қаратади.

Хунарли бўлиш халқпарвар, билимли, олижаноб фазилатлар эгаси бўлишга замин ҳозирлайди. Бунинг учун тарбия етакчи рол ўйнамоғи лозим. Шу билан бирга хунар қобилиятни, иқтидорни ривожлантиради ва болаларни ёмон хулқли бўлишдан сақлайди. Шунингдек, Навоий маънавий-ахлоқий тарбия ёрдамида болаларга илм-маърифат бериб, уларни одобга ўргатишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бола шахси камолотида тарбиянинг юксаклиги алоҳида таъкидланади.

Шоир ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида маънавий-ахлоқий тарбиянинг дўстлик, биродарлик, халқпарварлик, каби хусусиятларига алоҳида эътибор қаратди ва буни дostonдаги хитойлик Фарҳод, Шопур ва арман қизи Ширин мисолида тасвирлайди.

Асар қахрамонлари ўртасидаги адабий дўстликнинг асоси маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари вафо, садоқат, жасорат ва мардлик орқали тўлдирилади.

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида илм орқали Фарҳоднинг ақл-идроқи, билимдон, хунарманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эътиқодли инсон даражасига етганини кўрсатади. Достонни тўлиқ ўқиган ҳар бир ўқувчи, инсоннинг етуклигини кўрсатувчи сифатлардан бири – илм эканига тўла ишонч ҳосил қилади.

Фарҳоддаги камтарлик, бойликка қизиқмаслик, ўзини оддий киши деб билиши, мазлум халқни чин кўнгилдан ҳурмат қилиши, умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби фазилатлар ҳар бир ўқувчига катта ибрат бўла олади.

Ҳазрат Навоийнинг маънавий-ахлоқий қарашларида комиллик муҳим ўрин тутди. Унингча, комиллик буюк инсоний неъмат бўлиб, у инсоннинг жаҳон фарзанди мавқеига кўтарилишини хоҳлаган ва худди шу мавқени комилликнинг олий чўққиси деб билган.

Буюк мутафаккир ўз даврида комил инсонларни «аҳли маъни» деб билган. «Аҳли маъни» бу фикрли одамлардир. Фикрсиз кишининг онгида маъни чуқурлиги бўлмайди. Фикрлаш, ҳақиқатни англаш ёхуд мустақил мушоҳада юритиш юритиш демакдир. «Аҳли маънилик» туфайли ахлоқий онг ривожланади, одам ва олам тақдирига виждон билан қараш қобилияти шаклланади. «Аҳли маъни»ли кишилар гуруҳига оқил ва доно, камтар ва олижаноб, ҳақиқатпарвар ва фидоийларни киритиш мумкин. Шундай фазилатларга эга бўлган инсонларнинг тафаккур даражаси бениҳоя кенгдир. Ҳазрат Навоий дейдиларки: «Аҳли суратларга шоҳ бўлгунча, маъни аҳли йиғинида гадо бўлмоқлигинг минг карра афзалдир». Унинг фикрича, аҳли маъни кишилар маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук шахслардир. Алишер Навоий яратган қаҳрамонлар ҳам худди шундай маънавий-ахлоқий етук инсонлар сирасига киради.

Умуман олганда, Марказий Осиё алломаларининг ижодида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари мазмунан бой, шаклан ранг-барангдир. Айниқса, Алишер Навоий асарларида акс этган мардлик, тўғрилиқ, адолатпарварлик, вафодорлик, ҳалоллик, сахийлик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик каби хислатлар бугунги кунда камол топаётган ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқув фаолиятини ташкил этиш мақсадида алломаларимизнинг ижодини, халқ оғзаки ижодини ўрганиш бўйича 3-синф ўқиш китобида берилган бир қанча дарс ишланмаларини тавсия этамиз:

### **Мавзу: ВАТАНИМИЗНИ СЕВАМИЗ**

**Дарс материали:** Абдулла Авлонийнинг «Ватанни суймак» ва Хуршид Давроннинг «Ватан мўътабардир» ҳикоялари. Дунё ва Ўзбекистон харитаси.

**Дарс мақсадлари:**

**Таълимий мақсад:** Абдулла Авлонийнинг «Ватанни суймак» ва Хуршид Давроннинг «Ватан мўътабардир» асарларини ўқиш.

**Тарбиявий мақсад:** «Ватанни суймак», «Ватан мўътабардир» асарларини ўқиш орқали Ватанини жонидан ортиқ севиш, уни қадрлашни ота-боболаридан ўрганишга одатлантириш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчиларни ўқилган асардаги ғояни англайдиган қилиб шакллантириш. Ижодий қобилиятларини ривожлантириш.

**Дарснинг бориши:**

1. Алибек Рустамийнинг «Байроқ нима?» ҳикоясини ўқитиш, мазмунини сўраш орқали ўтган дарс мавзуси мустаҳкамланади.

2. Янги мавзу: Абдулла Авлонийнинг «Ватанни суймак» ҳикоясини ўқиш.

3. Кириш суҳбати. Ўқитувчи Абдулла Авлоний ҳақида маълумот беради.

**Ўқитувчи учун:**

#### **Абдулла Авлоний**

Авлоний Ўзбекистон маданиятининг улкан вакилларида бири, педогог, жамоат арбоби, болалар адабиётининг юзага келишига катта ҳисса қўшган олим. У 1878-йилда Тошкентда дунёга келган.

Абдулла Авлоний бошланғич диний мактабда ўқиди. Илм-фанни севди. У 14 ёшдан бошлаб шеър ёзишни машқ қилди. Ўз халқини илмли қилишни ўзининг фуқаролик бурчи деб билди. 1904-йилда Мирободда мактаб очди. Мактаблар учун (китоблар) дарслик ёзди. Масалан, «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони» китоблари фикримиз далилидир.

Абдулла Авлоний шоир, режиссёр, таржимон, актёр, жамоатчи ўқитувчи-профессор сифатида халқимиз қалбида сақланиб қолди.

Абдулла Авлоний 1934-йилда вафот этган.

«Ватанни суймак» ҳикояси «Болаларга» тўпламидан олинган. (Иложи бўлса, ўқитувчи тўпламидан мавзунини ўқиб беради).

4. Луғат устида ишлаш:

**уюр** – биялар тўдаси;

**гўша** – одамлар назаридан узоқ ер, турар жой.

5. Кўрғазмадан фойдаланиш: ўқитувчи Ўзбекистон харитасидан Арабистоннинг қаерга жойлашганини кўрсатади.

6. Ҳикоя билан таништириш. Ўқувчиларга матнни ичда ўқиш топширилади. Топшириқ бажарилгач, ҳикоя ўқувчиларга навбати билан ифодали ўқитилади ва сўзлатилади. Матнни ўқиш жараёнида кўчма ёзув тахтасига ёзилган *ҳайвонлар, туркистонликлар, араблар* сўзларига ўқувчилар диққати тортилади. Сўзлаш давомида шу сўзлардан фойдаланиш уқтирилади.

7. Ўқувчиларнинг ҳикоя юзасидан қай даражада тушунчага эга бўлганликларини аниқлаш мақсадида қуйидаги саволлар асосида суҳбат ўтказилади:

- Матнда ҳайвонлар ҳақида нималар дейилган?
- Араблар ҳақида-чи?
- Нима учун ҳар ким ўз Ватанини жонидан ортиқ севади?

8. Мақол устида ишлаш.

Қуйидаги мақол мазмунини очиб беринг: «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл».

Агар ўқувчилар мақол мазмунини очишга қийналсалар, у ҳолда ўқитувчи ёрдам беради. Яъни: Султон деганда юрт подшоси тушунилади. Подшо ўзига-ўзи хўжайин. Унинг буйруқларини ҳамма бажаради. Халқ унга бўйсунди. Лекин Султон ўз юртини ташлаб кетиб, бошқа юртда султон бўлса ҳам, кўнглининг бир четида армон бўлади. Бу армон туғилиб ўсган юртидан узоқдалигидан, халқидан ажралганидан афсусланиб яшашдир.

Чўпон-чи? Чўпон бировларнинг молини боқиб кун кўради. Лекин ўз юртида, ўз туғилган жойида шод-хуррам яшайди. Чўпон ўзини бахтли ҳисоблайди. Шундан «Ўзга юртда султон бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» мақоли мавжуд.

Шу ўринда шоҳ Бобурнинг Ҳиндистонда подшоҳ бўлиб яшаса ҳам, ўз юрти Андижонни соғиниб яшагани, Андижонга келолмай армон билан оламдан ўтгани эслатилади. Шеърӣй парча ўқилади. Бу орқали ўқувчилар қалбида Ватанни севиш, унга муҳаббат қўйиш, ундан кечмаслик туйғусини сингдириш учун йўл очиб борилади.

9. Ўқувчилар матн мазмунини пухта ўзлаштириб олишлари учун мавзу мустаҳкамланади.

10. Ўқитувчи ўқувчиларга :

1. «Нима учун Ватан мўътабар?» 2. «Ватанга муҳаббат нимадан бошланади?» каби саволларга жавобни Хуршид Давроннинг «Ватан мўътабардир» ҳикоясидан топилажани айтади. Ҳикояни ичда ўқиш топширилади.

11. Топшириқ бажарилгач, ўқувчиларга ҳикоя мазмунини қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлаш мақсадида суҳбат ўтказилади. Суҳбат учун саволлар ва топшириқлар:

- Мўътабар сўзи қандай маънони билдиради?
- Нега инсон учун ватан мўътабар?
- Ватан қаердан бошланади?

- Биз ватанни севишни кимлардан ўрганмоғимиз керак? Жавобингизни ҳикоядан ўқиб исботланг.

Ўқитувчи ўқувчилар жавобини тўлдиради ва «Меҳригиё» сўзига изоҳ беради. «Меҳригиё» - ўсимлик. У хушбўй, ёқимли ҳид таратади. Шунинг учун ҳам шу гулни севади, қадрлайди. Муаллиф ватанни ана шу Меҳригиёга ўхшатган.

12. Ўқитувчи мавзунини мустаҳкамлаш учун саволларга жавоб олиб, лозим бўлса тўлдиради.

- Муаллифнинг фикрига қандай қарайсиз?

- Нима учун Она ватан дейилади?

13. Дарсни яқунлаш учун саволлар:

- Бугунги дарсда қандай асарлар ўқидик?

- Бугунги дарсдан нималарни билиб олдингиз?

14. Уйга вазифа: «Ватанни суймак», «Ватан мўътабардир» ҳикояларини ўқиб матнга тааллуқли савол ва топшириқларга жавоб топиш, «Ватаннимизни севадиз» мавзуида иншо ёзишга тайёрланиш.

### **Мавзу: МАРД – МАЙДОНДА СИНАЛАР**

(биринчи дарс)

Мавзу ҳажми катта ва янги жанр бўлганлиги учун 2 соат ўрганилади.

**Дарс материали:** «Рустамхон» достонидан олинган парча. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг расми, «Рустамхон» достони (Китоб).

**Дарснинг мақсадлари:**

**Таълимий мақсад:** Эргаш Жуманбулбулнинг «Рустамхон» достонидан олинган парчани ўқиш.

**Тарбиявий мақсад:** Эргаш Жуманбулбулнинг «Рустамхон» достонини ўқиш орқали мардлик, жасурлик фазилатларини ўқувчилар калбига сингдириш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** Ўқувчиларда достон ўқиш техникаси ва унинг мазмунини ҳикоя қилиб бериш маҳоратини таркиб топтириш.

**Дарс методи:** тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, кўрғазмали мустақил иш, ақлий ҳужум.

**Дарсинг бориши:**

1. Ўтган дарсда ўтилган «Донишманд йигит» эртаги юзасидан ўқувчилар билимини текшириш (35-бетдаги), савол ва топшириқларга жавоб олиш билан баҳолаш ҳамда мавзуни такрорлаш.

Ўқитувчи ўқувчилардан халқ оғзаки ижодига доир қандай асарларини ўқиганлигини сўрайди. Тегишли жавоб олади. Достонлар ҳам халқ оғзаки ижоди ҳақида ҳисобланиши гапириб янги мавзуга боғлайди.

2. Янги мавзу: «Рустамхон» достонини ўқиш.

3. Асарни ўқишга тайёрлаш.

**Ўқитувчи учун:**

**Эргаш Жуманбулбул ўғли**

«Рустамхон» достонини Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган. Эргашнинг ота – боболари бахши бўлганлар. Улар ҳам достон термаларини куйлаганлар.

Эргаш шоирнинг отаси Жуман бахши жуда чиройли ва ёқимли куйлаган. Шунинг учун эл орасида Жуманбулбул деб ном олган. Эргаш 100 дан ортиқ достонни ёд билган. Унинг бошқа бахшилардан фарқи бор. Фарқи шуки, у мактаб, мадрасада ўқиган, атрофлича билим олган. Шоир достонларни куйлашдан ташқари ўзи ҳам ижод қилган.

Эргаш шоирнинг меҳр билан севиб ёд айтган ва ёзган асарларидан бири «Рустамхон» достонидир.

4. Янги мавзу: «Рустамхон» достони билан таништириш. Ўқитувчи дарсликдаги достондан олинган парчадан «...Рустам ов овлаб келар, онаси куйдириб - пиширар» (36-бет)гача ўқиб беради.

5. Луғат устида ишлаш:

*суюкли рафиқаси* – севикли, яхши кўрган хотини;

*гашлик қила бошлабди* – кўра олмади;

**арзнома**- илтимоснома, ариза.

Ўқувчилар маъноси қийин сўз ва сўз бирикмалари билан, изоҳи билан дафтарга ёзиб оладилар.

6. Достонни ўқувчиларга қайта ўқитиш.

Ўқитувчи ўқувчиларга достонни ичда ўқиб, мазмунини ва иштрок этувчилар номини эслаб қолиш вазифасини беради.

7. Ўқилганлар юзасидан ўқувчиларнинг тушунчаларини ҳисобга олиш.

Ақлий ҳужум ўтказиш учун савол ва топшириқлар:

- достондаги қайси давр ва қаердаги воқеа тасвирланган.

- достонда кимлар иштрок этди? (Жавоб: Султонхон, Хуройим, Кундошлар, Момогул, мастон). Ўқитувчи эса ёзув тахтасига бу номларни ёзиб боради.

- Нима учун Оқ тош мамлакатада Хуройим подшолик қила бошлади?

- Момогул ким? У нима иш қилади?

- Султонхон қандай мазмунда фармон берди?

- Фармон бажарилдими? Нима учун?

- Она – бола қаерда яшай бошладилар?

8. Достонни турли топшириқлар билан қайта ўқиш:

Ўқитувчи ўқувчиларга достондан ўқиб ўрганилган бўлимга сарлавҳа топишни буюради. Ўқувчилар ўқитувчи ҳамкорлигида сарлавҳа топадилар. Топилган сарлавҳалардан маъқули, синф ёзув тахтасига ёзилади («Султонхон сафарда»). Топшириқ бажарилгач, ўқитувчи ўқувчиларга: «Султон сафарда» бўлимини навбат билан ифодали ўқиб, уни мазмунли қисмларга ажратиш, режа тузиш вазифасини беради. Бунинг учун ёзув тахтадаги саволларга жавоб бўладиган ўринларни аниқлаш топшириғи берилади.

- Нима сабабдан Хуройим подшо бўлди?

- Кундошлар ва Момогул мастон қандай ҳийла ишлатди?

- Нима учун Хуройимни дор остига олиб келдилар?

Сўнг аниқланган қисмларга ўқувчилар билан ҳамкорликда сарлавҳа топилади. Айтилган сарлавҳалардан мосини ўқитувчи ёзув тахтасига ёзиб боради.

- Кейинги («...Султонхондан зиёда иш юрита бошлади») қисмига қандай сарлавҳа қўйиш мумкин? («Хуройим подшо бўлди»).

- «Кундан кун ойдан ой ўтиб...» дан то «Султонхон томон» гача бўлган иккинчи қисмга сарлавҳа топдингиз? («Момогулнинг ҳийласи»).

- «Султон хатни ўқиб...»дан «...Ҳайдаб борибдилар» гача бўлган учинчи қисмга қандай сарлавҳа қўйдингиз? («Султонхон фармон берди»).

- «Онаси ҳақидаги хабар...» дан «...онаси куйдириб пиширарди» гача бўлган тўртинчи қисмга қандай сарлавҳа қўйилди? («Баҳра тоғида»).

Натижада қуйидагича режа ҳосил бўлади:

**Режа:**

1. Хуройим подшо бўлди.
2. Момогулнинг ҳийласи.
3. Султонхон фармон берди.
4. Баҳра тоғида.

9. Режа асосида қайта ҳикоялатиш.

10. Дарсда ўрганилганларни мустаҳкамлаш учун саволлар :

- Сизга дostonдаги қайси тимсоллар ёқди? Нима учун?
- Қайси бири ёқмади? Нима учун?
- Султонхонга қилган ишларига қараб қандай баҳо берасиз?

11. Мавзуга мос мақоллар ишлаш.

Матнда «Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди» мақолини топиб ўқиш ва таҳлил қилиш. Шунингдек ўқувчилар мавзуга мос айтилган мақоллар ҳам айтилади ва дарсга яқун ясалади.

12. Уйга вазифа: «Рустамхон» дostonини ўқиш, мазмунини сўзлашга тайёрланиш, ўқиганлари юзасидан саволлар тузиш.

## **Мавзу: МАРД МАЙДОНДА СИНАЛАР**

(Иккинчи дарс)

**Дарс материали:** «Рустамхон» достонидан олинган парча. ЎТВ.

**Дарснинг мақсадлари:**

*Таълимий мақсад:* «Рустамхон» достонидан олинган парчанинг давомини ўқиш.

*Тарбиявий мақсад:* Достондаги Рустам тимсолида инсонпарварлик, мардлик, жасурлик каби фазилатларни ёшлар қалбига сингдириш.

*Ривожлантирувчи мақсад:* Достонни ўқиш ва ҳикоч қилишга ўргатиш. Ўқувчиларнинг боғланишли нутқини ўстириш.

**Дарс методи:** тушунтириш, суҳбат, кўргазмали ЎТВ, ақлий ҳужум.

**Дарснинг бориши:**

**1.** Ўтилган мавзу «Рустамхон» достонидан олинган ва «Султонхон овда» деб номланган парчадан танлаб ўқиш, мазмунини ақлий ҳужум асосида сўраш ва ўқувчиларни билимини баҳолаш.

Ақлий ҳужум:

1. «Рустамхон» достонини ким ёзган?
2. Достонда кимлар қатнашади?
3. Достонда қаердаги воқеа акс этган?
4. Султонхон қаерга жўнади? Нима учун?
5. Султонхоннинг ўрнига ким подшо бўлди?
6. Ҳуройимни кимлар кўра олмади? Улар нима қилди?
7. Мастон қандай хийла ишлатди?
8. Султонхон фармонда нима деган?
9. Онани ўлимдан ким қутқарди? Рустам ким?

«Султонхон овда» бўлимидан танлаб ўқитиш:

- Султонхоннинг сафарга жўнаш олдидан айтган гапларини ўқиб беринг.

- Кундошларнинг Мастонга айтган гапини ўқинг.

- Жаллодларнинг қилган ишлари тасвирланган ўринни ўқиб беринг.

2. Янги мавзу: «Рустамхон» достонини «Кундан кун, ойдан ой ўтибди...» дан бошлаб ўқиш.

3. Ўқувчиларни дostonни ўқишга тайёрлаш.

Ўқитувчи: дostonни «Кундан кун, ойдан ой ўтибди» дан бошланган ўрнини магнит тасмасидан эшиттиради. Ўқувчилардан ҳикоя қилиб берилган ўринлар ва шеърий лавҳаларнинг ўқилишига диққат қилиш талаб этилади.

4. Луғат устида ишлаш. Қуйидаги сўз ва сўз бирикмаларини изоҳи билан ўқувчилар дафтарларига ёзиб оладилар:

*қир* – баланд текислик, ер, дашт;

*белдор*-бели йўғон, бели бақувват, кучли, ясси тепалик маъносида;

*изидан бурилмайди* –орқасига қайтмайди;

*бўсага* – остона.

5. Ўқитувчи ўқувчиларга дostonдан олинган парчанинг «кундан кун, ойдан ой ўтибди» бўлимига сарлавҳа топиш вазифасини беради. Ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида сарлавҳа топадилар. Маъқули синф тахтасига ёзилади. («Рустамхон ўтовга дуч келди»).

6. Бадиий ифодалар устида ишлаш. Саволлар: «...Ҳар ким ҳуснини кўрса ақли кетиб қолгудай» жумласини қандай тушундингиз: (Жавоб: - юзи ҳаддан ташқари чиройли экан, уни кўрган одам ақли ҳушини йўқотиб ўзидан кетиб қолар экан. Бу гапда қиз юзининг чиройли эканлиги ошириб тасвирланган. Бу билан Эргаш шоир қизнинг жуда ҳам чиройи эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган).

7. Қайта ўқиш дostonнинг «Рустамхон ўтовга дуч келди» бўлимини ролларга бўлиб ўқиш учун тайёрланиш.

8. Дoston юзасидан ўқувчилар тушунчасини қуйидаги савол-жавоб орқали ҳисобга олиш:

- Нима учун Рустам ўтовга дуч келди?

- Рустам нимадан ҳайрон бўлиб қолди?

- «Мард сўзидан, йўлбарс изидан бурилмайди», деган гапни ким айтди?

**9.** Китобнинг 38-бетидаги расм устида ишлаш. Ўқитувчи ўқувчилардан қуйидаги топшириқларга жавоб олади:

- Расмни кузатинг, кўрганларингизни эслаб қолинг.
- Рустамнинг аждаҳо билан олишув тасвирини сўзланг.
- Сизнинг кўз олдингизда Рустам қандай гавдаланди? Айтинг.

**10.** Режа асосида қайта ҳикоялатиш. Ўқитувчи қуйидаги режани ёзув тахтасига ёзади:

**Режа:**

1. Хуройим подшо бўлди.
2. Момогулнинг ҳийласи.
3. Султонхон фармон берди.
4. Баҳра тоғида.
5. Рустам ўтовга дуч келди.
6. Аждар билан олишув.

**11.** Мавзуни мустаҳкамлаш:

*...Аждаҳодан сира мендан кам дема...*

*Насиб этса, от ўйнатиб борарман,*

*Аждаҳони неча бўлак қиларман.*

сатрларида Рустамнинг қандай фазилатлар акс эттирилган? – Ўйланг, сиз Рустамнинг кўриниш ва ҳатти-ҳаракатларига қараб қандай баҳо берасиз? (Ўқувчилардан: - Рустамнинг мард, жасур, кўркмас, инсонпарвар, меҳрибондир. У фақат ўз ҳаётини ўйламайди, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётини ўйлайди, - деган баҳо беришлари кутилади).

- Рустамхон сизга ёқдими? Нима учун? – саволларга жавоб олиб мавзу мустаҳкамланади.

**12.** – Достонни ўқиб қандай хулосага келдингиз? – саволига жавоб олиш билан дарс якунланади.

**13.** Уйга вазифа: Достонни ўқиш яхлит ҳикоялашга ўргатиш ва мавзуга оид (мардлик, инсонпарварлик ҳақида) мақоллар билиб келиш.

### **Мавзу: ХУШМУОМАЛА БЎЛИНГ**

**Дарс материали:** «Чумоли ва типратикон» масали, хатжилдлар.

**Дарснинг мақсадлари:**

**Таълимий мақсад:** «Чумоли ва типратикон» масалини ўқиш. Ўқиш дарслари орқали ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш. Дарсда ўқувчиларни фаоллаштириш. Бошловчи ролида бўлишга, уларни баркамол шахс сифатида вояга етишга кўмаклаштириш.

**Тарбиявий мақсад:** Ўқувчиларни хушмуомалаликка, ўзгаларни ҳурматлашга ўргатиш ва ҳалоллик руҳида тарбиялаш. Уларда нутқ маданиятини шакллантириш ҳамда уни ҳаётга қўллай олишни ўргатиш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** Яхши ўқиш сифат малакаларини ривожлантириш.

**Дарс методи:** Гуруҳлар билан ишлаш.

**Дарснинг бориши:** Керакли асос яратилади. «Чумоли ва типратикон» мавзуи бўйича ўқувчилар мустақил тайёрланиши учун олиндан уларга кизиқарли ва муаммоли саволлар берилади. Тарқатма материаллар ва мавзуга оид материал ҳамда синф стол-стуллари, гуруҳлар қулай жойлашиши учун тайёрлаб олинади.

Саволлар:

1. Масал мазмунини сўзлаб беринг.
2. Масалда иштрок этувчиларни айтинг.
3. Типратикон ва унинг болаларига қандай баҳо берасиз?
4. Чумоли типратикондан нима учун рухсат сўради?
5. Чумолига қандай баҳо берасиз?

6. Типратикон болалари чумолининг орқасидан нима деб кулишди? Улар тўғри иш қилдимми?
7. Масалдаги мақолни ёд айтинг. Мақол мазмунини тушунтириб беринг.
8. «Баднафс» сўзини қандай тушундингиз?
9. Типратикон нима учун қўрқиб-писиб инига жўнади?
10. Чумоли орқасига қараб типратикон ва унинг болаларига нима деди?
11. Масалдаги қайси тимсол сизга ёқди?
12. Масал мазмунига мос мақол айтинг.

*Гуруҳларга бўлиниш.* Ўқувчиларни 10 кишидан жамлаб уч гуруҳга бўлиш мумкин. (Буни ўқувчиларнинг жами сонини ҳисобга олган ҳолда синф имкониятига қараб ажратилади).

Синф ўқувчиларини ранжитмаслик мақсадида уларни эстетик дид нуқтаи назаридан келишмовчиликсиз гуруҳларга бўлишда ўқитувчи куйидаги шиларни амалга оширади. Масалан, ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг жами сонини ҳисобга олиб, олдидан уч хил рангдаги қоғозлардан ҳар хил шаклдаги кичкина ҳажмли расмлар, яъни қизил олма, сариқ жўжа, кўк ғоз кабиларни тайёрлаб қўяди. Тайёрланган уч хил расмлар ўқувчиларга тарқатилади.

Бунда ҳар бир ўқувчига ихтиёрий равишда ўзи хоҳлаган рангдаги кесма расмлардан бирини танлаб олиш ҳукуқи берилади. Ўқувчилар танлаб олган рангли кесма расмлар орқали ўқитувчи ўқувчиларни гуруҳларга ажратади.

Қизил олма расми – 1 гуруҳ;

сариқ жўжа расми – 2 гуруҳ;

кўк ғоз расми – 3 гуруҳ .

Ўқитувчи мавзу бўйича ўқувчиларга қисқа мазмунли йўлланма-кўрсатма беради.

Ўқитувчи бугунги ўқиш дарсининг ҳар доимгидан бошқачароқ тарзда ўтиши яъни ўқувчиларнинг мустақил фикрлай олиш қобилиятини мустақил равишда янги мавзунини ўқиб, ўртоқларига қай даражада тушунтириб бера олишини текширишни тушунтиради. Ҳар бир гуруҳ ўзига жойга ўтиради ва ўз сардор, котибларини белгилаб беради. Сардорлар гуруҳни бошқариши, котиблар эса гуруҳ аъзоларининг фикрларини ҳисобга олиб бориши тушунтирилади. Шу тарзда ўқитувчи ўқувчиларга дарсининг мақсадини тушунтириб беради. Кейин ҳар бир гуруҳга хатжилдлар тарқатилади. Уларга «Чумоли ва типратикон» масали юзасидан тузилган саволлар жойлаштирилган (Бошланғич синф ўқувчилари ёш бўлганлиги учун гуруҳ фикрини ўқитувчи ҳисобга олади).

Гуруҳ сардорлари тарқатма саволларни танлаб олиши ва саволларга белгиланган муддатда жавоб беришлари тушунтирилади.

Хатжиллдаги саволлар тахминан қуйидагича бўлиши мумкин:

#### 1-хатжилд

1. Масал мазмунини қисқа сўзлаб беринг.
2. Типратикон болалари чумолига қарата нима деди? Сиз чумолига нисбатан шу сўзни ишлатармидингиз? Нима учун?

#### 2- хатжилд

1. Масалда нима ҳақида гап боради?
2. «Баднафс» сўзини қандай тушундингиз? Унинг ўрнида яна қандай сўз ишлатиш мумкин?

#### 3-хатжилд

1. Масалда иштрок этувчиларни айтинг. Ҳаётда шундай одамлар борми?
2. Масалдаги мақолни ёд айтинг ва мазмунини тушунтиринг.

#### 4-хатжилд

1. Масалдаги қайси тимсол сизга ёқди? Нима учун?

2. Мақолдаги «жонсарак», «шерюрак» сўзларини ўрнида яна қандай сўз ишлатиш мумкин?

5-хатжилд

1. Типратикон нима учун кўрқиб-писиб инига жўнади?
2. Чумолига қандай бақо берасиз? Типратикон ва унинг болаларига-чи?

6-хатжилд

1. Чумоли орқасига қараб типратикон ва унинг болаларига нима деди?
2. Масал мазмунига мос мақол айтинг.

Тарқатилган саволлар бўйича ҳар бир гуруҳ аъзолари бир-бири билан фикр алмашади ҳамда баҳс-мунозара орқали жавоблар тайёрлайдилар. Бунда ҳар бир гуруҳда сайланган котиб гуруҳ қатнашчилари томонидан айтилган жавобларни ёзади. Сардорлар эса гуруҳ ишини жонлантиради.

Фикр алмашув ва баҳс-мунозара учун ажратилган вақт ўз поёнига етгандан сўнг, ҳар бир гуруҳ сардори ва аъзолари навбатма-навбат берилган саволлар юзасидан сўзга чиқади. Бошқа гуруҳлар томонидан берилган кўшимча саволларга жавоб беришади (албатта гуруҳ аъзолари билан биргаликда).

### **Дарсни мустаҳкамлаш ва яқунлаш.**

Ўқитувчи тўғрилиқ, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, кишиларни кўпол сўзлар билан ранжитмаслик лозимлиги ҳақидаги фикрлар билан мавзунини мустаҳкамлайди ва дарсга яқун ясайди.

Ҳар бир гуруҳ аъзолари берилган вазифани ёритиб берганликлари ва саволларга аниқ, тўғри жавоб берганликлари муҳокама қилинади ва лозим бўлса ўқувчилар фикри ўқитувчи томонидан тўлдирилади. Ҳар бир ўқувчи дарс жараёнида қатнашиш даражасига қараб баҳоланади. Ҳолиб гуруҳ аъзолари тақдирланади.

Уйга вазифа: Масалдаги мақолани ёд олиш, «ҳалол», «шерюрак», «жонсарак», «баднафс» сўзларини дафтарларига ёзиш, имлосини ўрганиб келиш топширилади.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек мутафаккирларининг фозил шахс, комил инсон ҳақидаги фикрлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги ғоялари ёшларнинг маънавий-ахлоқий сифатларини тарбиялашда қимматли дастуриламалдир. Модомики, шундай экан, улардан таълим-тарбияни такомиллаштиришда ҳамда ёшларни тарбиялашда айниқса, бошланғич синфлардан бошлаб кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга ва умуминсоний қадриятларга чуқур ҳурмат, ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган узлуксиз таълим тизимини ислоҳ этишнинг асосий вазифаларидан биридир.

Умумий ўрта таълимнинг қуйи босқичи ҳисобланган бошланғич таълим жараёнида ҳам умуммаданий ва ахлоқий кўникмалар шакллантириши лозимлиги давлат таълим стандартларида алоҳида қайд этилган бўлиб, ёш авлод қалбига одоб-ахлоқ меъёрларини сингдириш бошқа фанлар билан бир қаторда асосан «Ўқиш» ўқув фанини ўқитиш жараёнида амалга оширилади. «Ўқиш» дарслари ўқувчиларни халқимизнинг унитилаёзган бой тарихи, маданий мероси ҳамда қадриятлари билан чуқурроқ ва атрофлича таништириш имконини беради. Ва бу борада буюк алломалар ўғитларидан кенг фойдаланиш лозимлиги мазкур ўқув фани дастури вазифаларида алоҳида таъкидланади.

## **1.2. Бошланғич таълимда ўқув фаолиятини такомиллаштириш ва унинг аҳамияти**

Бошланғич синфда ўқиш дарсларини самарали ташкил этишга тайёрлаш мақсадида ўқиш дарсларида машғулотлар мустақил иш ва изланиш методларида, ақлий ҳужум усулида ташкил этиш мумкин. Мавзу ва дарснинг мақсади – ўқувчиларга мактабда ўқитиладиган ҳикоя, эртак, шеър, масал каби адабий жанрларга хос бадиий хусусиятларини ўқиб ўрганишга йўллаш, асарни мустақил таҳлил қила олиш, унинг мазмуни ва ғоясини ўзлаштириш, ўқиш малакаси, нутқ маданиятини эгаллаш эканлиги айтилади. Мавзу юзасидан ўқувчилар билими кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир адабий жанрга хос бадиий хусусиятларни аниқлаш;
- “Ўқиш китоби” даги асарларни жанрга кўра гуруҳлаш;
- бошланғич синфларда бадиий асарларни ўрганиш метод ва усуллари, иш турлари ҳақида муайян даражада тасаввурга эга бўлиш.

Дарсдан олдин уни ташкил этиш шакли, топшириқлар тизими ва тури ишлаб чиқилади. Ўқувчилар 4 гуруҳга бўлинади. Ташкил этилган экспертлар гуруҳи билимларни баҳолаб боради.

Топшириқлар қуйидагича тузилди:

1-гуруҳ: Ҳикоя жанри қандай бадиий хусусиятларга эга? Унинг бола ҳаётидаги аҳамиятини айтинг .

2-гуруҳ: Эртак жанри ва унга хос белгиларни ёритинг. Эртакларнинг болалар ҳиссиётига таъсири ҳақида сўзланг.

3-гуруҳ: Масал жанрига хос хусусиятларни аниқланг.

4-гуруҳ: Шеър нима? Унга хос асосий белгиларни изоҳланг.

Ўқувчиларнинг мазкур топшириқларни бажаришлари натижасида қуйидаги жадвал юзага келади.

Ҳикоя:

Ҳикоя бир-иккита қаҳрамоннинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган бирор воқеа тафсилоти;

Ҳикояда ҳаётӣй воқеалар тасвирланади;

Ҳикоя кичик ҳажмдаги асар.

Ҳикоядаги муҳим бир реал воқеа билан бирга тўқималар ҳам киритилган бўлади. Яъни:

Бадийий сюжетга эга бўлади;

Композицион яхлитликка эга бўлади.

*Ҳикоя қаҳрамонлари:*

Ижобий тимсол;

Салбий тимсол.

*Бадийий тил воситалари:*

Эркалаш;

Кичрайтириш;

Ўхшатиш;

Жонлантириш;

Муболаға;

Сифатлаш;

Кўчим.

Ҳикояга хос хусусиятлар ўқувчилар томонидан оғзаки изоҳланади.

Шундан сўнг тайёргарликсиз жавоб беришлари учун қуйидаги саволлар ўртага ташланади:

4-синф “Ўқиш китоби”даги қайси асарнинг сюжети сизга маъқул? Қайси асарнинг композицион қурилиши сизни хайратга солди? Қайси ёзувчи асарларининг тили таъсирчан ва бой экан?

Ўқувчилар бунга жавобан Н.Норқобилнинг “Харита”, Ш.Саъдулланинг “Қовун сайли”, М.Осимнинг “Китоби ихлос”, Ҳ.Ҳомидовнинг “Паҳлавон ва шоир”, Ойбекнинг “Алишернинг ёшлиги”, Ғ.Ғуломнинг “Шум бола”,

Ойбекнинг “Болалик”, У.Сатторовнинг “Чол ва қарға”, А.Исроиловнинг “Мусича”, Ҳ.Назирнинг “Қодир билан Собир”, Х.Тўхтабоевнинг “Хатосини тушунган бола” каби ҳикояларини санаб ўтадилар.

Бу ҳикояларни ўқишда танланган методлар ўқувчиларининг бадиий асарни чуқур ўзлаштиришлари асарни таҳлил қила олишларини таъминлаш кераклиги, ўқувчиларнинг ёши, билим даражасига мос бўлиш талаблари эслатилади. Ўқувчилар шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйидаги методларни таклиф этдилар: Жиҳозли ўқиш, ижодий ўқиш, ярим изланиш, репродуктив усуллар.

Изоҳли ўқиш усули ҳозир мактабларда қўлланилмоқда. Айниқса, тарихий асарларни ёки тарихий мавзудаги асарларни ўрганишда изоҳли ўқиш методи онгли ўзлаштиришни таъминлайди. Ўқувчилар асар сюжети ва ғоясини тушуниш учун ундаги сўз, ибора ва ҳатто гапларни, бадиий ифода воситалари, уларга юклатилган маънони англаб етишлари, воқеанинг юз бериши ўша давр тақозоси эканлигини ҳис этишлари лозим. Буларни изоҳли ўқиш методи орқали ҳал этиш мумкин. Бу методларни амалий матнда муайян ҳикояни ўқиш дарсига татбиқ этишлари, намуна кўрсатишлари айтилади.

Шундан сўнг “Ҳикоя шаклида қайси иш турларидан фойдаланиш маъқул деб ўйлайсиз?” саволи берилади. Ўқувчилар 4-синф “Ўқиш китоби” да берилган ҳикоялар асосида саволни ёритади. Ҳикоя матни устида ишлаш, танлаб ўқиш малакаларини такомиллаштириш билан бирга ўқувчининг ижодий тараввурини, зеҳнини ўстиради. Масалан, 4-синфда “Паҳлавон ва шоир” ҳикоясини ўрганаётганда Маҳмудни фил туфайли содир бўладиган ҳалокатдан қутқаргандан сўнг султоннинг Маҳмудга айтган гапини топиб ўқинг. Нима учун султон бундай савол билан мурожаат қилди? “Шум бола” ҳикоясида болани домланинг топшириғини бажарган ўрнини топиб ўқинг. Шу лавҳада сизда жуда қаттиқ таъсир қилган жумлани қайта ўқиб беринг. (Девкор саллоҳлардай бўғизига пичоқ тортиб юбордим).

“Мусича” ҳикоясида отасининг онасига айтган гапларини топиб ўқинг. Боланинг отаси ҳақидаги ўйларини топиб ўқинг. Сиз бу лавҳадан нимани билиб олдингиз? Чалажон мусичанинг ҳолати тасвирланган ўринни топиб ўқинг. Шу ҳолат рўй берса, сиз нима қиласиз? каби савол-топшириқлар бериш мумкин.

Ҳикоя таҳлилида ўқувчиларга бериладиган саволлар муҳим рол ўйнайдиган “Сиз буни қандай тушунасиз?”, “Дарсликда асар юзасидан берилган савол-топшириқларга муносабатингизни билдиринг” каби савол-топшириқ ҳам кизгин мунозарага сабаб булди. Ўқувчилар билан ўтказилган савол-жавоблар якунида қуйидаги каби илмий-методик мавзу асосини ташкил этувчи жадвал вужудга келади.

Ҳикояни ўзлаштиришни таъминлайдиган методик иш турлари:

Танлаб ўқиш;

Асарни қисмларга ажратиш;

Режа тузиш;

*Асар юзасидан саволлар тузиш;*

Қайта ҳикоялаш.

Ҳикоя тили;

Нутқ ўстириш манбаи:

Ёзувчи услуби;

Жонли нутқ;

Диалог.

*Сўз маъноларини тушунтириш:*

Кўчимлар;

Иборалар.

*Тарбия воситалари:*

Адабий қахрамон:

Ижобий хусусиятлари;

Салбий хусусиятлари.

Ўқувчиларга шу асосда 4-синф “Ўқиш китоби”да берилган ҳикояларни ўрганиб дарс ишланмаси тузиш вазифа қилиб берилади.

Дарсни шу тарзда ташкил этиш ва олиб бориш ўқувчиларнинг адабиётларни мустақил ўқиб-ўрганиш, уларга танқидий ва ижодий ёндашиб, эркин фикрлашларига катта ёрдам беради.

1-синф ўқувчиси кўпроқ билим фаолиятини яққол образли хотирага таянган ҳолда ташкил этади. Нутқи ҳам изчил, ифодали, грамматик қоидаларга эмас, балки миқдор ва кўламига кўра ўзгалар билан фикр алмашиш учун етарли даражада шаклланган бўлади. Шу билан биргаликда, боланинг мактаб таълимига руҳий тайёрланишининг ички (ботиний) жиҳати ҳам мавжуддир. Унда шу даврга келиб, билим олиш, ўқиш-ўрганиш хусусида тўғри тасаввур юзага келади. Мактаб интизомига итоат қилишга, мураббийлар кўрсатмасини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалардаги қобилият, иқтидор бир хил эмаслигидан, улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Бинобарин, баъзи бола мактабга зўр иштиёқ билан интилса, баъзиси мактабдан қатъий воз кечишгача бориб этади. Муҳими, мактаб таълимида ўқувчи ўқишга салбий муносабат уйғотмаслиги учун курашиши зарур. Бу ишда энг мақбул йўл, болалардаги билим савиясининг ўзига хослигини инобатга олиб, индивидуал ёндашишдир.

Биз қуйида XX аср адабиётига хос бўлган жанрларга оид дарс ишланмаларини ҳавола этамиз:

### **Мавзу: ОИЛА ТАШВИШИ**

(Предмет дарси)

**Дарс материали:** Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикояси. Мавзуга оид қосиб-ҳунармандларнинг асбобларидан намуналар: махси, бигиз, сўъзан, қора мум, қора фартук.

**Дарсининг мақсадлари:**

**Таълимий мақсад:** Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиш.

**Тарбиявий мақсад:** Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиш замирида ўқувчиларни ўтмишдаги хунармандларнинг ҳаёти билан таништириш ва ҳозирги ҳаётнинг қадрига етиш кераклигини ўқитириш.

**Ривожлантирувчи мақсад:** ўқувчиларнинг сўз бойлигини ошириш, яхши ўқиш сифалари (ўқиш тезлиги) устида ишлаш; матнни қисмларга бўлиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

**Дарснинг методи:** тушунтириш, мустақил суҳбат, кўргазмали, ақлийҳужум.

**Дарснинг бориши:**

1. Ўтган дарсда ўтилган: «Жалолиддин Мангуберди» ҳикоясини ўқитиш ва ақлий ҳужум усулидан фойдаланиб ўқувчиларни баҳолаш, мавзунини мустаҳкамлаш.

Ақлий ҳужум.

-Чингизхон Урганчнинг босиб ололмагач нима ишлатди?

-Ҳийла ишлатилган пайтда Жалолиддин қаерда эди?

-Жалолиддин ўзига қарши юборилган мўғул лашкарларини қаерда тор-мор қилди?

-Нима учун Жалолиддиннинг аскарлари камайиб кетди?

-Саркарда қачон, қаерда ҳалок бўлди?

2. Қуйидаги топшириқлар билан танлаб ўқиш:

- Жалолиддин аскарларининг камайиб кетиш сабаби тасвирланган ўринни ўқинг.

- Ҳикоядаги қайси воқеа сизни ҳаяжонга солди? Ўқиб беринг.

3. Бугунги дарсда Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқишни эълон қилиш.

4. Қисқа кириш суҳбати ўтказиш ва ўқувчиларни ҳикояни ўқишга тайёрлаш:

Ўқитувчи учун

## Ойбек

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек 1905-йили Тошкент шаҳрида бўзчи оиласида туғилган. Олдин ўрта мактабда ўқиган. 1922-1925 йилларда Тошкент педтехникумида таълим олган. Сўнгра Ўрта Осиё Давлат (ҳозирги Миллий) дорилфунунида ижтимоий фанлар факултетида ўқиган.

Ойбек кўплаб шеърлар ёзган. Унинг шеърлари «Туйғулар» номли тўпламга кирган. Ойбек «Қутлуғ қон», «Навоий», «Болалик» ва бошқа китобларни ёзган.

Ойбек «Навоий» романи ва бошқа асарлари учун бир қанча орден ва медаллар билан тақдирланди. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори бўлган. Унинг асарлари умумхалқ мулки бўлиб қолди.

Ойбек 1968-йил 1-июлда вафот этган.

Халқимиз севимли адибини унутмайди.

«Меҳнаткаш қиз» ҳикояси Ойбекнинг «Болалик» повестидан қисқартириб олинганлиги айтилади ва китоб («Болалик») кўрсатилади.

5. Янги мавзу: «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини таништириш.

А) Расм устида ишлаш. Ҳикояни ўқишдан олдин ўқитувчи ўқувчиларга дарсликнинг 7-бетида берилган расмни кузатишни ва расмда нималар тасвирланганини сўзлаб беришларини айтади.

Ўқувчилар расмда кўрганларини сўзлаб берадилар.

Б) Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқувчилардан бири яхлит ифодали ўқийди.

6. Луғат устида ишлаш. Айни вақтда олдиндан тайёрлаб қўйилган иш асбоблари кўрсатилади.

бигиз – поябзалдўзларнинг ёғоч сопли нина учли асбоби;

сўзан – этикдўз, махсидўз косиблар иш тикадиган, пардозлаш учун ишлатиладиган суюқлик, қора мой;

шон – махси қўнжига уриладиган қолип;

шон қоқади - қолиплайди.

7. Ҳикояни қайта ўқиш.

Ўқувчилар ҳикояни ифодали навбати билан ўқийдилар. Ўқиганларини сўзлатиш ҳам мумкин.

8. Ўқувчиларнинг ҳикоя юзасидан тушунчаларини қуйидаги савол-жавоб орқали аниқлаш:

- Ҳикояда кимнинг ҳовлиси тасвирланган? Ҳовли қандай?
- Унсин кампирга қандай ишларда ёрдам беради?
- Отага дастлаб қандай ёрдам берди?
- Унсиннинг истаги нима эди? Истаги қандай амалга ошди?
- Уста Шокир нима учун кичкина Унсинга қойил қолди?
- Нега отанинг иши енгиллашди?

9. Бадиий тасвир устида ишлаш: «зийрак» (чаққон); «кўнглини кўтаришга» (хурсанд қилишга); «баҳам кўришди» (ўртада ейишди) сўз ва сўз бирикмасини ишлатиш мумкин.

Шунингдек, «Зийрак қизнинг кўли дарров келишди-қолди», - гапини қандай тушундингиз? – саволи берилиб,, (Чаққон қиз кўлида бигиз санчишни дарров ўрганиб олди) жавоби олинади.

10. Ҳикояни турли топшириқлар билан қайта ўқиш.

Ўқитувчи «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясининг режасини синф ёзув тахтасига ёзади.

Режа:

1. Шокир отанинг ҳовлиси.
2. Унсиннинг оиласига ёрдами.
3. Унсин Шокир ота шогирди.
4. Иш тақсим қилинди.

11. Ўқитувчи ўқувчиларга: «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиб, берилган сарлавҳалардан фойдаланиб, матнни қисмларга бўлиш, топшириғини беради.

12. Матнни қайта ҳикоя қилиш.

Ўқувчилар навбати билан берилган режа асосида матнни қайта яхлит ҳикоя қиладилар.

13. Мақоллар устида ишлаш. «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясининг мазмунига оид мақол сўралади. «Дарё сувини баҳор тоширар, одам қадрини меҳнат оширар» мақоли синф ёзув тахтасига ёзилади ва ўқувчиларга ифодали ўқитилади. қофиядош сўзлар (тоширар, оширар каби) аниқланади. Мақолнинг мазмуни сўралади.

14. Дарсда ўрганилганларни умумлаштириш ва яқунлаш учун савол-жавоблар:

- Ойбек ҳикояда нимани улуғлаган? (Жавоб: Меҳнат ва ҳунарни улуғлаган).

- Ўқилган мақолда-чи? (Жавоб: Меҳнат улуғланган).

- Сиз ким бўлишни хоҳлайсиз?

15. Уйга вазифа: «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиб, мазмунини сўзлаб беришга ўрганиб келиш ҳамда мавзуга оид топишмоқ ўрганиш, мақол танлаш топширилади.

16. Дарсда фаол қатнашганлар рағбатлантирилади.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқчимизки, Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини сайр – саёҳат дарсида ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

## **Мавзу: ОИЛА ТАШВИШИ**

(Саёҳат дарси)

Дарс материали: Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикояси. Косиб-ҳунармандларнинг иш дўкони.

Дарс мақсадлари:

Таълимий мақсад: Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиш.

Тарбиявий мақсад: «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиш орқали ўтмишдаги ҳунармандларнинг оғир ҳаёти билан таништириш, унинг

сабабларини аниқлаш орқали Ўзбекистоннинг ҳозирги ҳаётини қадрлаш ҳиссида тарбиялаш.

Ривожлатирувчи мақсад: ўқувчиларни матн устида ишлаш малакалари (матнни қисмга бўлиш)ни ривожлантириш.

Дарс методи: кўргазмали, тушунтириш, суҳбат, сайр-саёҳатлар, таққослаш.

Ҳар бир мавзунинг мазмуни, ундаги янги сўзларнинг маъносини тушунтириш турли дарслар метод ва усуллардан фойдаланишни тақозо этади. Бу эса ўқитувчининг изланишга, тайёргарлик кўришига, дарснинг самарали ўтиши учун қилган ҳаракатига ҳам боғлиқдир.

Ўқитувчи Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўргатиш учун саёҳат дарси уюштириш мақсадга мувофиқдир. Албатта, саёҳатга бориш учун тайёргарлик кўрилади.

Саёҳатга тайёргарлик.

Ўқитувчи ўқувчилар билан саёҳатга бориш тўғрисида суҳбат уюштиради. Бунда саёҳатга бориш манзилени, вақтини белгилайди. Саёҳат ва ундан кўзланган мақсад, саёҳат вақтида нималарга эътибор бериш кераклиги айтилади ва таассуротларини ёзиб олиш тушунтирилади. Ўқувчилар, албатта, ўзлари билан ён дафтарча ва ручка олишлари лозим.

Ҳикояда шон қоқди, шондан олади (туширади), қора гул, лак суркайди, сўзан, бигиз, мум каби ўқувчилар учун нотаниш сўзлар учрайди. Бу сўзларнинг маъносини тушунтиришнинг энг маъқул йўли косиб-хунармандлар дўконига боришдир. Болалар дўконда косиблар ва уларнинг иш жойлари, иш қуроолари, уларнинг номлари билан танишадилар. Бирини иккинчисига таққослайдилар. Натижада қийин сўзларга изоҳ беришга ҳожат қолмайди.

Саёҳат тугагач, Ойбекнинг «Меҳнаткаш қиз» ҳикоясини ўқиб, мазмунини ўрганиш ва саёҳат таассуротлари асосида уй иншосини ёзиш уйга вазифа қилиб топширилади. Ўқитувчи ўқувчилар ёзган иншони навбатдаги

дарсида йиғиб олади ва текширади сўнгра она тили дарсида ўқувчилар билан биргаликда таҳлил қилади. Ютуқ, камчиликларини кўрсатади. Ўқувчилар билимини баҳолайди.

Саёҳатни уюштириш ўқитувчининг ижодкорлигига боғлиқ.

Узлуксиз таълим мазмуни ва тарбия тизими, хусусан, «Ўқиш» дарслари орқали ўқувчи-ёшларда Ватанга, халқига меҳр-муҳаббат, миллий ғурур, диний бағрикенглик, тинчликсеварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, инсонпарварлик, мустақил ва теран фикрлилик, фидойилик, юксак масъулият ва бурчни ҳис этиш, қалби поклик, мустаҳкам иродалилик, ғоявий пишиқлик каби комил инсон учун зарур бўлган феъл-атворлар миллий қадриятлар, диний-ахлоқий ўғитлар, аждодларимизнинг ўлмас мероси асосида шакллантириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак». Бу – келажакимизнинг вориси бўлган ёш авлод тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизнинг сўзлари. Дарҳақиқат, бугун ҳар томонлама етуқ, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу боис дарсликлар янгилашмоқда, ўқитувчиларга янги талаблар асосида ишлаш йўллари йўргатувчи методик қўлланма ва тавсиялар ишланмоқда. Лекин бу йўлда ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарур.

Бошланғич синфларнинг «Ўқиш китоби»да «Бобокалонимиз Алишер Навоий», «Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари», «Алишер Навоий ҳақида ривоятлар», «Доноларнинг доноси», «Навоий ҳикматлари» каби мавзулар ва Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» ҳикояси берилган. Гарчи улар қисқа бўлсада, Алишер Навоийнинг ҳаёти, унинг бизга қолдирган катта мероси, қилган эзгу ишлари, инсонпарварлиги ҳақида ўқувчи онгида тасаввур ҳосил қилиши мумкин ва бу ёш авлод қалбида Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди.

Шундай экан, бу мавзуни янада таъсирлироқ чиқиши, ўқувчи Навоий ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиши учун дарс машғулотларида шоирнинг суратидан, асарларидан фойдалансак, ҳикматли сўзлари ёзуви кўргазмасини ташкил этсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларга буюк бобомизнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирар эканмиз, унинг болалик чоғларидаёқ ақлли, одобли-зеҳдли бўлганлигини, илм олишга жуда чанқоқ эканлигини чуқур тушунтиришимиз лозим. Токи бола онгида ана шу фазилатларга эга бўлишга ҳаракат қилиш фикри уйғонсин. Бунинг учун Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлардан ўринли фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, буюк бобомизнинг халқпарварлиги, муҳтожларга ёрдам бериши, подшоҳларни тўғрилиққа, ҳақгўйлиққа чорловчи эзгу ишлари ҳақида ўқувчиларга кенгроқ маълумот бериш керак. Мисол учун:

*Эйки, қавий айлади давлат қулунг,*

*Зулм сори тушти ва лекин йўлунг.*

Бу сатрлар орқали Навоий ўз даврида халққа зулм ўтказган, кўпгина ноҳақликларга йўл кўйган, фақат бойлик орттириш мақсадида халқ елкасига кўплаб ўлпон солувчи подшоҳларга мурожаат қилган. Яъни «Эй подшоҳ, бахт-давлат қуши бошингга қўниб, сен эл-юртни сўрайдиган бўлдинг. Лекин, сен бундай эл-юртни обод қилиш, адолат учун курашмоқ эмас, ўз манфаатларингни ўйлаб, одамларга зулм қилиш йўлидан бораяпсан». Ёки, агар киши яхши инсон бўламан, ўзимдан яхши ном қолдираман, деса халқни ўйлаши, унинг дарди билан яшаши, мушкулени осон қилиши зурур, дея уқтиради Навоий. Унинг бу фикри:

*Одами эрсанг демагил одами,*

*Ониким йўқ халқ гамидин гами,*

деб битган сўзларида кўринади.

Бир ривоятда шундай ҳикоя қилинади.

Бир ўтинчи чол бўлган экан. У ҳар куни набираси билан тоғдан ўтин териб келаркан ва шу ўтинларни сотиб тирикчилик қиларкан. Бир куни у

каттиқ бетоб бўлиб қолибди. Унинг табибга боришга бир мири ҳам йўқ экан. Орадан кунлар ўтибди. Уйда ҳам егулик ҳеч вақо қолмабди. Бобосига раҳми келган бола бойнинг хузурига борибди ва ундан ўн танга қарз сўрабди. Бой ўн танга берибди ва маълум бир кунда қайтариб берасан, дебди. Бола хурсанд бўлиб, ўн тангани бобосига олиб бориб берибди. Чол тузалиб кетибди, аммо қарзини ўз вақтида узолмабди. Бундан жаҳли чиққан бой чол ва унинг набирасини қозининг олдига судрай бошлабди. Бу ҳолатнинг устига Навоий келиб қолибди. Ул зотни кўрган бой арз қила бошлабди. Шунда вазиятни англаган шоир чолга йигирма танга берибди. «Ўн тангани қарзингизга беринг, ўн тангани эса набيرانгиз билан ўзингизга ишлатинг», - дебди. Аммо чол тангани олмабди. Шунда бой жиғибийрон бўлиб: «Шундай улуғ зот мурувват қилсаю олмаса» - дебди. Шоир «Йўқ, бу камбағал қария биздан-да улуғроқ зот, у бизга меҳнатсиз олинган ақча юқ бўлмаслигини, халолликни ўргатмоқда», - дебди.

Демак, Навоий табиатидаги инсонпарварлик туйғусини, Ватанга муҳаббат ҳиссини у ҳақда яратилган ривоятлар орқали, шоир ўзи ёзиб қолдирган шеърларидан фойдаланиб, ўқувчига етказиш лозим.

Алишер Навоий «Хамса» асаида Фаррух, Искандар, Шопур, Дилором каби ўнлаб адолат, маърифат, яхшилик, инсонийлик, бахт-саодат, дўстлик, биродарлик, гўзаллик учун курашувчи, зулм ва адолатсизликнинг, жаҳолатнинг ҳамма кўринишларига қарши жанг қилиб, ўз ҳаётини шу олижаноб мақсадлар тантанасига бағишлаб, мард ва жасур ҳаққоний ва оққўнгил, халқпарвар ва ватанпарвар кишиларнинг ёрқин образларини яратди.

Фарҳод ҳақида шоир шундай дейди:

*Бировким зори йиғлаб, йиғлаб ул зор,*

*Тошиб кўнгил эл озоридан озор.*

*Бўлуб эл андуҳидин кўнгли гамнок,*

*Ёқо чокин кўруб, кўксин қилиб чок.*

Фарҳод фаолиятидаги барча хусусиятлар унинг ана шу элпарварлиги, инсонпарварлиги билан боғланади.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул аброр»да Навоий кишилар муносабати ва муомала мезони, ўзини тута билиш, бола тарбияси ва бошқалар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этади. Достонда одоб билан, ҳар бир кишининг ҳолу аҳволига яраша муомала қилиш, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат масаласига кенг ўрин берилган.

Алишер Навоий ўз асарларида инсон кадр-қимматини ҳар қандай бойликдан устун қўяди.

«Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг инсонпарварлиги, унинг иродаси, Ширин учун Арманистоннинг тоғлик-тошлик ерида канал қазииш жараёнида намоён бўлиши ифодаланади.

Фарҳод бу ўринларда ўзининг тинч меҳнати билан боғлиқ чинакам қахрамонлик кўрсатади. Бутун халқ бир неча йилда ҳам бажара олмайдиган ишларни бир неча кунда, бир ўзи бажаради ва шу йўл билан Шириннинг муҳаббатига сазовор бўлади. Фарҳод гўзал Ширинни зўрлик билан ўз чангалига киритмоқчи бўлган Эрон шоҳи Хисравга қарши, севгилиси юртини ҳимоя қилиб, мардларча кураш олиб боради. Фарҳод ва Ширин ёвузликнинг, турли ҳийла ва найрангларнинг, адолатсизлик ва жаҳолатнинг қурбони бўладилар. Фарҳод ўзининг шоҳ фарзанди бўлишидан қатъий назар, аввало, инсон эканлиги сабабли меҳнатга меҳр қўяди, ночор кишиларга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билади.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида одамзотнинг энг кечирилмас хатоси – инсон дардини арзимас ганж (олтин)дан паст деб ҳисоблашида киши ўзини ўзи ҳалокатга дучор қилишида деб билади.

Демак, бобомиз Лайли ва Мажнун саргузаштларини ҳикоя қилиш билан бизга: «Эй, инсон, бу ўткинчи дунёда сендан яхшилик, яхши ном, меҳр қолади. Шунинг учун бир-бирингга яхшилик қил», - деб насиҳат бермоқда.

«Хамса»нинг энг катта достони «Садди Искандарий» ҳисобланади. Бунда инсонпарвар шоирнинг ер юзида меҳр-оқибат, адолат-маърифат тантана қилиши билан боғлиқ орзу ва хаёллари ўзининг ифодасини топган.

Шоир ўзининг «Маҳбуб ул кулуб» асарида илм, ҳунар, одоб, ахлоқ, юртсеварлик, мардлик, ростгўйлик каби фазилатларни улуғлайди. Ёлғончилик, баднафслик, қўрқоқлик, хиёнат каби қусурларни қоралайди.

Аччиқ тиллик ҳам энг ёмон хусусиятлардан бири эканлиги ҳақида Навоий шундай ёзади: «Аччиқ тил захарли найзадек санчилади. Кўнгулда битмас жароҳат барпо этади, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмайди». Шунинг учун у кишиларни очик чехрали бўлишга даъват этади. Навоий бутун ҳаёти давомида илм-маърифатни тарғиб этди. Унинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» каби доно ўғитлари халқимизнинг ҳикматли сўзларига айланиб қолган.

Алишер Навоий ўз фаолиятида ҳар бир кишини ўзига дўст деб билади. Унинг бизга қолдирган бой мероси асрлар давомида инсониятни меҳр-оқибат манзиллари томон бошлаб, инсонпарварлик ғояларини юқори чўққига кўтариб келмоқда. Шундай экан, келажак авлодимиз ҳам Навоийдек инсонпарвар улуғ зотнинг авлодлари эканлигини англаб ўсиши ва у каби бўлишга интилишига эришайлик.

Биз қуйида Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги 16 ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Муқаддас Турдиеванинг «Бошланғич таълим» журналининг 2005 йил №1 сонида «Навоийни ўргатинг менга...» деб номланган IV синфлар учун ноанъанавий дарс ишланмасини тақдим этамиз.

#### **Дарснинг мақсади:**

Ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ўстириш, мустақил мутолаага йўналтириш. Буюк бобомиз, шеърят мулкининг султони, Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида мукамал тушунча бериш.

**Дарсинг услуби:** ўқувчиларда улуғ аждодларимиз меросини ўрганишга муҳаббат туйғусини уйғотиш, суҳбат, сахна кўриниши.

**Дарсинг жиҳозлари:** Алишер Навоий портрети, шоир асарлари акс эттирилган рангли расмлар, китоблар намунаси, тест саволлари, карточкалар, магнитофон.

**Дарсинг бориши:**

Ташкилий босқич.

Ўқитувчи болалар билан саломлашади. Бугунги сана, ой, кун ҳақида сўрайди. 2007 йил – «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсад ва моҳияти ҳақида қисқа ва лўнда тушунча беради.

**Ўқитувчи:** - Болалар, ҳозир ёзув тахтаси ёнига 3 та ўқувчини таклиф этамиз. Марҳамат (топшириқ беради).

1-ўқувчи ёзув тахтасига «Қиш» фаслини акс эттирувчи расм чизади.

2-ўқувчи фаслга оид 2-3 та гапдан иборат матн тузади.

3-ўқувчига ўтган мавзунини қандай ўзлаштирганини билиш учун саволлар берилади. (Х.Тўхтабоевнинг «Хатосини тузатган бола» ҳикояси асосида савол-жавоб ўтказилади).

1. Қосимжонга қаердан хат келди?

2. У нима учун «Деворий газета»га шеър ёзиб бермади?

3. Давлатимиз рамзларини санаб беринг.

Ўқувчиларнинг жавобларига мос балл қўйиб, рағбатлантирилади. Сўнгра 5 та саволдан иборат тест топшириғи топширилади.

**Ўқитувчи:** - Ўқувчилар, энди тест дафтарингизни очинг-да, жавоб ёзишга тайёрланинг.

1) Улуғ алломалардан кимларни биласиз?

А) Алишер Навоий, Форобий

Б) Ал Хразмий, Ҳаким Назир

В) Форобий, Борот Бойқобилов.

2) Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси матнини ким ёзган?

- А) З.Диёр  
 Б) А.Орипов  
 В) М.Бурхонов
- 3) Рубоийга таъриф берилган қаторни топинг.  
 А) Мақол  
 Б) Топишмоқ  
 В) Тўрт қатордан иборат, чуқур фалсафий маънога эга бўлган шеър.
- 4) Ғазал неча байтдан иборат бўлади?  
 А) 3 байтдан 10-12 байтгача  
 Б) 2 байтдан 8-10 байтгача  
 В) 4 байтдан 7-9-байтгача
- 5) Ғазал мулкининг султони ким?  
 А) А.Орипов  
 Б) Алишер Навоий  
 В) Қ.Муҳаммадий.

Савол	1	2	3	4	5
Жавоб	а	б	в	а	б
Балл					

Саволлар бўйича тўғри жавоб топган ўқувчилар аниқланиб, балл қўйиб рағбатлантирилади.

Топшириқни бажарган ўқувчиларга ҳам саволлар берилади. Бажарган ишлари изоҳлаб баҳоланади.

- Байроғимиз қачон қабул қилинган?
- Қиш фасли ҳақида ашеър айтиб беринг.

Ўқувчилар диққатини жалб қилиш мақсадида «Занжир» номли хотирани чархлаш ўйини ташкил этилади. Унинг шарти:

Улуғ алломалардан кимларни биласиз? (Саволга ўқувчилар кетма-кет жавоб беришга ҳаракат қиладилар).

**1-бола:** - Алишер Навоий.

**2-бола:** - Алишер Навоий, Бобур.

**3-бола:** - Алишер Навоий, Бобур, Улуғбек...

Ўйинда 5 та ўқувчи қатнашади. Шу орада ўқитувчи синф тахтасига янги мавзуни ёзади.

**Янги мавзу:** «Навоийни ўргатинг менга...»

**Ўқитувчи:** - Улуғ бобокалонимиз Мир Алишер Навоий 1441 йилда Ҳирот шаҳрида туғилган. Алишер ёшлигидан одобли, ўткир зеҳли, зукко, шеърятга қизиқувчан бола бўлган ва катталар эътиборига тушган.

(Муסיқа янграйди. Ўқувчилар шоирни шарафлаб шеър ўқийдилар).

**1-ўқувчи:**

Ҳирот тупроғида вояга етган,  
«Қуш тили» йўллари мунаввар этган,  
Йиллар тўзонидан соғ-омон ўтган,  
Навоий бобомлар – буюк одамлар.

**2-ўқувчи:**

- «Хамса»си кўнгилни шамдек ёритган,  
Она тилимизни ёддан бор этган,  
Мағрибу машрикни ифтихор этган,  
Алишер бобомлар – буюк одамлар.

**3-ўқувчи:**

Кўп жаҳонгир кўрган бу дунё,  
Ҳаммасига гувоҳ ер ости.  
Лекин, дўстлар, шеър аҳли аро,  
Жаҳонгири кам бўлар рости.

**4-ўқувчи:**

Беш асрки, назмий саройни,  
Титратади занжирбанд бир шеър.

Темур тиғи етмаган ерни,  
Қалам билан олди Алишер.  
Дунё бўлди чаманим маним,  
Ўзбекистон, Ватаним маним.

(Ўқувчилар шоирнинг рубоий ва ҳикматли сўзларидан парча ўқийдилар).

Бошни фидо айла ато қошиға,

Жонни фидо айла ано бошиға.

Тун кунингда айлагали нурфош,

Бирисин ой англа, бирисин куёш.

- Чин сўз эътиборли, яхши сўз қисқа бўлади.

- Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

- Билмаганин сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

- Тилни билиш – дилни билишга йўл очар.

(Саҳна кўриниши. Алишер ва Лутфий учрашуви).

**Алишер:** - Ассалому алайкум, устоз!

**Лутфий:** - Ваалайкум ассалом, боракалло, биз фақирни кўргани келибсиз, ашъорларингиздан тинглайлик.

**Алишер:** - Бажонудил, устоз! (ғазал ўқийди):

- Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,

Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч куёш.

**Лутфий:** «Боракалло, офарин, агар имкон бўлганда эди, умрим бўйи ёзган барча ашъорларимни сизнинг шу икки қатор шеърингизга алишган бўлур эдим».

(Ўқувчилар рағбатлантирилади).

**Ўқитувчи:** - Ўқувчилар, барча шоир ва ёзувчилар ўзларига тахаллус танлайдилар. Бобомиз ўзларига нима учун Навоий тахаллусини қўйганлигини қуйидаги саҳна кўринишидан билиб оламиз.

(Саҳна кўриниши).

Алишер боғда ўтириб шеър ёзади ва уни ўқийди:

Гурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шифиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Алишер ёқимли овозидаги оҳанг гул шоҳида кўниб турган булбулга ёқиб қолибди.

**Булбул:** - Эй, навқирон шоир, овозинг булбулнинг эрта тонгдаги навосидан ҳам ёқимли экан. Исмингни билсам бўладими?

**Алишер:** - Ҳа. Менинг исмим Алишер.

**Булбул:** - Билдим, билдим, сиз ёш шоирсиз. Энди ўзингизга муносиб тахаллус кўйинг.

**Ўқитувчи:** - Алишерга бояги булбулнинг «наво» деган сўзи ёқиб қолибди. Шундан сўнг у ўз шеърларига «Навой» дея тахаллус кўядиган бўлибди.

Ўқувчилар, энди луғат дафтарингизни олинг-да, янги сўзларни ёзинг.

Тахаллус- иккинчи ном.

Ашъор – асар

**Янги мавзу баёни мустаҳкамланади.**

**Ўқитувчи:** - Алишер Навой Қачон, қаерда туғилган?

- Бобомиз қайси тилни мукаммал билганлар?

- Улуғ шоир асарларидан қайсилари сизга маълум?

Дарс якунида барча фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилиб, кундаликларига баҳо кўйилади.

**Хулоса ва уйга вазифа:**

Мавзунини ўқиб, эркин мавзуда иншо ёзиш.

## **II боб. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари.**

### **2.1. Ўқиш дарсларида ижодий ишларни ташкил этиш усуллари**

Кичик мактаб даврига 7—12 ёшдаги бошланғич таълим (I-IV синфлар) ўқувчилари киради. Бола мактаб учун боғчада ёки оилада тарбияланмоғи лозим. Шунда у билим асосларини ўрганишга биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Рухшуносларнинг кузатишича, боланинг руҳияти билим олишга етарли даражада тўлишиб, идрокнинг ўткирлиги, софлиги, аниқлиги, ёрқинлиги, билишга қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг мусаффолиги, хотирасининг мустаҳкамлиги, фикрчанлиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узок муддатли ва шартли барқарор бўлади, айниқса, бола диққатининг хусусиятлари дидактик ўйинларда, муаммолар жараёнида ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, ҳикоя тинглаш ва қайта ҳикоя қилишда кўринади. Бола мактаб давригача катталарга тақлидан у ёки бу ахборотни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш-иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга интилади, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Бола хулқ-атворидаги бу ўзгариш ва фаоллик унинг хотираси муайян даражада ривожланганлигини билдиради.

I-синф ўқувчиси кўпроқ билим фаолиятини яққол образли хотирага таянган ҳолда ташкил этади. Нутқи ҳам изчил, ифодали, грамматик қоидаларга эмас, балки миқдор ва кўламига кўра ўзгалар билан фикр алмашиш учун етарли даражада шаклланган бўлади. Шу билан биргаликда, боланинг мактаб таълимига руҳий тайёрланишининг ички (ботиний) жиҳати ҳам мавжуддир. Унда шу даврга келиб, билим олиш, ўқиш-ўрганиш хусусида тўғри тасаввур юзага келади. Мактаб интизомига итоат қилишга, мураббийлар кўрсатмасини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалардаги қобилят, иқтидор бир хил эмаслигидан, улар ўртасида муҳим фарқлар

вужудга келади. Бинобарин, баъзи бола мактабга зўр иштиёқ билан интилса, баъзиси мактабдан қатъий воз кечишгача бориб етади. Муҳими, мактаб таълимида ўқувчи ўқишга салбий муносабат уйғотмаслиги учун курашиши зарур. Бу ишда энг мақбул йўл, болалардаги билим савиясининг ўзига хослигини инобатга олиб, индивидуал ёндашишдир. Янги педагогик технологиянинг талабларидан бири ҳам—худди шу.

Педагогик технология (ПТ) атамаси инглизча «an educational technology» номли сўз бирикмасининг мазмунига мувофиқ бўлиб, таълим технологияси, деган маънони билдиради. Бу ибора америкалик олим Б.Скиннер томонидан 50- йилларда биринчи марта «ўқитиш технологияси» деб қўлланган. Бизда эса 90- йилларнинг бошида бу термин қўллана бошланди. Технология сўзининг 300 дан ортиқ таърифи берилган бўлиб, кенг истеъмолдаги таърифи куйидагича: «Технология—бу ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонуниятларини ўзида жамлаган ва якуний натижасини кўрсатадиган педагогик фаолиятдир». Шу илғор мураббийлик фаолияти негизига қурилган технология талабига мувофиқ ўқитувчи таълим босқичида ҳар бир болага индивидуал ёндашиши ҳамда таълимни Инсонпарварлаштириш ва Демократлаштириш талабларига ўқувчида рағбат уйғотиши асосий вазифа саналади. Индивидуал ёндашувда таълимнинг бош фигураси ўқитувчи ҳисобланса-да, таълим олишга ихтиёрий ҳаракат ўқувчи томонидан бажарилиши лозим. Натижада таълим эркинлиги шаклланади. Бунда:

1. Ўргатувчи ва ўрганувчи орасида ижобий маънодаги масофа йўқола боради.
2. Ўрганувчи билимни ўз шахси учун зарурат эканлигини англай бошлайди.
3. Ўрганувчида таълимдошларидан орқада қолмаслик ғурури пайдо бўлади.
4. Эркин фикрлаш учун тўсиқ сезилмайди ва ижодкорлик туйғуси қалбида ниш уради.

5. Ўрганувчида ўзликни англаш тушунчаси умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланиш тушунчаси билан уйғунлаша боради.

Ўқувчи ёшларнинг билимини кенгайтириш замон талаби даражасига етказишда фан билан қуроллантириш, янги педагогик технология ютуқлари асосида «Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида» ги қонун талабларини бажариш мақсадида уларнинг илмий тафакурларини юқори даражада ривожлантиришга эришиш умумтаълим мактаблари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Бошланғич синфларда ўқитишнинг самарадорлиги қўлланилмай келаётган имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Бу имкониятлар энг аввало ўқитиш методикасини такомиллаштириш, ўқувчиларда ўрганишга қизиқишни қўллаб-қувватлаш ва шакллантириш билан узвий боғлиқдир.

Ўқиш фанига қизиқишни педагогик ва психологик изланишлар кўрсатганидек, 6-12 ёшли болаларда методика ўрганишнинг мотивини яратишга катта таъсир кўрсатади ва бундан келиб чиқадиган ўқитиш натижаларига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқишнинг самарадорлигини оширишда ҳар хил мазмундаги ўйин ларни системали қўллаб бориш имконияти шахснинг нафақат ўқитувчи томонидан билимларни қўланишни ўрганишда, яъни уларни умумий ривожланишда муҳим ўрин тутган баъзи шахсий сифатларни тарбиялаш имконини беради. Шунинг учун ҳам биз бошланғич синфларда асаларни таҳлил қилишни ташкил қилиш ва ўтказиш муаммосини битирув малакавий ишимизнинг мавзуси қилиб олдик.

Одатда, ўқиш ва ўқитиш фаолиятининг ҳақиқий психологик табиатини ўқувчи билан ўқитувчининг ҳамкорлигисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўқув жараёнидаги мазкур ҳолатни ўрганишга қаратилган муаммо ўрта мактаб доирасида етарлича ўрганилмаганлиги сабабли, бу мавзуда зўр қизиқиш билан тадқиқот ишларини олиб бордик.

Энг аввало тадқиқот ишларимизни бошланғич синф ўқувчилари билан суҳбат, ўқитувчиси билан мулоқот ўтказиш ишларидан бошладик. Хар бир синфдаги ўқувчининг оилавий шароити ҳақида ҳам бирозгина танишиб чиқдик. Чунки оилавий шароит, уни куршаб турган одамларнинг таъсири жуда муҳимдир. Сўнгра ўқитувчининг дарс олиб бориши, дарсни ташкил этиши, ўқувчилар билан мулоқоти, нутқининг илмий ва тушунарлилигига эътибор қаратдик.

Биз бошланғич синф ўқувчиларида ўтказиш мумкин бўлган методикаларни ўрганиб чиқдик. Биз улардаги ўзаро шахслараро муносабатларни ўрганишдан кўра фанларга бўлган муносабатларни аниқлаш мақсадга мувофиқ деб топдик.

Сўнгра ёш хусусиятига мос равишда савол тузилди:

«Агар ўқитувчингиз сизга энг яхши кўрган фанингизни айтинг –дея мурожаат этса, сиз қайси фанни айтган бўлар эдингиз?»

Кейинги этапда, «Яна қайси фанни яхши кўрасиз?»,-дея мурожаат этилди.

Охирги этапда эса, «Қайси дарсда сиз мазза қилиб, эркин, яйраб бирон ёқимли ҳаракатлар қила оласиз?»-деб сўралди.

Ҳар бир ўқувчига «Жавобларингизни навбат билан варақага ёзишингиз сўралади», -дея мурожаат этилди.

Ўқувчилар учта ёқтирган фанини жавоблар варақасига исми, фамилияси ва синфи билан кўшиб ёзиб топширишди.

Жавоблар натижасида шундай хулосага келдик: 3<sup>А</sup>-синфи ўқувчилари учун энг яхши кўрган фанлари бу жисмоний тарбия, ўқиш ҳамда расмлар экан. Бундай натижага эришишимизнинг асосий сабаби уларнинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, бу даврда болалар кўпроқ ҳаракатли ўйинлар билан банд бўлишни ёқтириши, ўқиш фанида янгиликларга интилишнинг кучли қониқиш хосил қилиниши, тафаккурларининг кўрғазмали-образли кўринишида эканлигидир.

Психологик томондан бироз тушунча киритсак:

Инсон моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини, табиат ва жамият қонунларини мураккаб ақлий фаолиятлари ёрдамида билиб олади. Билишнинг ҳиссий ва мантиқий босқичлари мавжуд. Инсоннинг ҳиссий билиши унинг сезги, идрок, тасаввурларида ўз ифодасини топади. Ҳиссий билиш формалари бўлмиш сезги, идрок қилиш ва тасаввур биринчи сигналлар системасининг таъсирида юзага келади. Билиш жараёни моддий дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг сезги аъзоларимизга бевосита таъсирдан бошланади. Энг аввало ўқувчи дарсга келганида, ўқитувчи унга ниманидир ўргатиши мумкинлиги ҳақида ишонч пайдо бўлиши даркор. Баъзи ҳолларда бола боғчада кучли тарбияланган бўлиши, ўқиш ва ёзиш малакасини анча шакллантириб олган бўлиши, жуда хилма-хил шеър ва кўшиқлар ёд олган бўлиши мумкин. Мактабдаги ўқитувчи боғчадаги тарбиячидан кўра кучлироқ билимга эга бўлмаса, болани қизиқтира олмаса, бола уни «тан олмаса» у ҳолда янгиликка интилиш сўниб боради. Болада мактабга қизиқиш, ўқитувчини идеаллаштириш ёки бошқа кўринишдаги фазилатлар барҳам топади.

Фанлардан дарсларни ташкил этганда ҳам ўқитувчи ўз устида тинимсиз изланиш олиб бориши, болаларнинг психологик хусусиятларига эътиборли бўлиши, ҳар-хил методлардан фойдаланиши лозим. Улардаги тафаккур, идрок, хотира каби психологик жараёнларнинг кечишини ҳисобга олган ҳолда дарс ташкил этилса, ўша дарс ўқувчи учун энг қизиқ туюлади, кейинги ҳаётида фойдаси камроқ бўлса ҳам.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш мотивлари жуда мураккаб психологик ҳодиса саналади, чунки улар боғча шароитида тарбияланиб келишган, ўқишдаги фаоллиги ва сусткашлиги кўпинча ўқитувчининг дарсни ташкил этиши билан боғлиқ бўлади. Ўқитишни ташкил этиш, ўқиш мазмуни, ўқитувчининг иш услуби, ўқув-методик воситаларни қўллаши, ўқувчининг

ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, ўқувчининг билим олишга эҳтиёжи, қизиқиши ва бошқа омиллар ўқиш жараёнига таъсир этади.

28 та ўқувчидан 16 таси асарларни ўқишга қизиқишларини ёзишган. Бундан шуни айтиш мумкинки, улар учун ўқиш фаолиятидаги ўқитиш жараёни ва ўқишнинг мақсадлари етакчи ўринни эгаллар экан. Лекин шуни айтиш керакки, ўқувчилар айрим дарслар қизиқарли бўлгани учун ва ўзларининг фикрлаш доирасига тўғри келадиган фанлар етакчи ўринда эканликларини билдиришган. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўқувчилар ота-онаси мажбур қилгани учун ва теварак атрофидаги унга тегишли бўлган одамлар билан кўнгилсизликлар бўлмаслиги учун мажбуран бориб келишини ҳам билдиришган. Қишлоқ шароитида кўпинча, болаларнинг ўқишга бўлган интилиши унчалик кучли эмас. Бунга сабаб бўлувчи омиллардан бири ўқитувчи ўқувчини ўқишга қизиқтира олмаганлиги, уларнинг интилишларига тўғри йўл кўрсата олмаганлиги, индивидуал хусусиятларини тўғри англай олмаганлигидадир.

Жавоблардан мисол сифатида М.Р. нинг ота-онаси мажбур қилганлигидан дарс тайёрлаши, Б.С.нинг агар ўқитувчи ёқса, ўша фандан маза қилиб дарс тайёрлашини келтирсак. Бундай жавоблар энг оддий ва одатий жавоблардир. Яна бир ўқувчи М.И. дарслар қизиқарли бўлгани, фикрлаш, ўйлаш ва идрок қилишни яхши кўрганлиги учун ўқиётганлигини жавобидан кўриш мумкин, лекин бундай ўқувчилар синфда озчиликни ташкил этади. Улар ҳали баркамол, етук инсон бўлиб етишиш, келгусида бирон соҳада иш юритганда кучли мутахассис бўлиш учун кўп ўқиш кераклиги, ўз устида тинимсиз изланиш лозимлигини тушуниб етишмайди. Агар уларга ўқишни эҳтиёж даражасида севиш кераклиги уқтирилса, олинган билим улар учун бир умрлик ҳеч ким, ҳеч вақт тортиб ололмайдиган бойлик эканлиги тушунтирилса, агар билимли бўлса мингтани ақл билан енга олишини англанилса, ўқиш дарслари ижобий мазмун касб этиши табиий.

Ўқувчиларнинг тарбияси узоқ асрлар давомида шаклланган аждод-авлодларнинг ахлоқий, маърифий шаклланиши ва камолотида муҳим ўрин эгаллаб келган. Китобхонликнинг инсон тақдиридаги аҳамияти шундаки, у доимо ўзининг ҳаётийлиги, таъсирчанлиги, меҳр-мурувватлиги билан Ватанни мустаҳкамлашга, халқни бирлаштиришга хизмат қилади. Китобхонлик доимо ҳаёт ва инсон муаммоларини моддий ва маънавий жиҳатдан ҳал этишда ўз таъсирчанлигини намойиш этади, тарбиянинг долзарб масалаларини ечишда асос бўлиб хизмат қилади. Китобхонлик ўзбек халқининг миллий урф-одатлари билан бевосита боғлиқдир. Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ҳақидаги билим, малака ва бой тажрибаларини келгуси авлодга ўтишда кўприк бўлиб хизмат қилади.

*Биз қуйида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан дарс ишланмасини кўриб чиқамиз.*

**«Ҳикоят»** (Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан).

**Дарснинг мақсади:** 1. Ўқувчиларда озодликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш.

2. Ҳикоят орқали ўз юртига бўлган меҳрни ошириш.

3. Билим, кўникмаларини ривожлантириш.

**Дарснинг тури:** умумлаштирувчи.

**Дарснинг услуби:** аралаш, кўрсатмали.

**Дарс жиҳозлари:** мавзуга оид расмлар.

**I.** Дарсни ташкил этиш. Уйга берилган Эркин Воҳидовнинг «Ўлка» шеърини ёддан сўраб баҳолаш. Ўтилган мавзуларни савол-жавоб орқали мустаҳкамлаш:

— Ватан қаердан бошланар экан?

— Туғилиб ўсган еримизни нима учун ардоқлаймиз? (Бу савол орқали ўқувчилар орасида баҳс-мунозара уюштирилади.)

**II.** Янги мавзу — Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан олинган «Ҳикоят»ни ўтилган мавзуга боғлаган ҳолда, ҳикоят мазмуни

асосида ишланган расмлар ёрдамида гапириб бериш ва ҳикоятни ўқувчиларга навбатма-навбат ўқитиш, тушунилиши қийин сўзларни ажратиш, маъносини тушунтириш ва луғат дафтарларига ёздиртиш:

<p><b>масофа</b> — йул <b>фурсат</b> — вақт <b>вайрона</b> — бузилиб кетган <b>хуррамлик</b> — хурсандлик</p>
---

**III.** Ҳикоят мазмунини савол-жавоб ёрдамида мустаҳкамлаш:

— Ҳикоятдаги кабутар қаерда яшарди?

— Кабутар қафасдан қутулиб, қайси томонга учди?

— Кишилар нима қилмоқчи бўлдилар?

— Ҳикоят қандай якунланган?

**IV.** Ўқувчиларни баҳолаб, баҳоларини эълон қилиш.

**V.** Матнни ўқиб, кабутар расмини чизиб келишни уйга вазифа қилиб топшириш.

*2-дарс ишланмаси.*

**Мавзу: Навоий ҳикматлари.**

**Дарснинг мақсади:** 1. Ўқувчиларни билим олишга интилувчан, тўғрисиўз, бир-бирига меҳр-оқибатли, иноқ, аҳил, дўст қилиб тарбиялаш.

2. Навоий ҳикматларининг моҳиятини ёритиш, ўқувчиларни шеър билан таништириш.

3. Ифодали ўқиш, ёд олиш малакаларини ривожлантириш.

**Дарснинг тури:** янги билим берувчи.

**Дарснинг услуби:** аралаш, кўргазмали.

**Дарснинг жиҳози:** мавзуга оид расмлар, тарқатма дидактик топшириқлар, магнитофон.

**I.** Дарсни ташкил қилиш. Уйга берилган топшириқни сўраб баҳолаш ва ўтилган мавзулар юзасидан дидактик тарқатма топшириқлар бериб, жавоблар олиш:

1 - карточка. Алишер қачондан шеър ёза бошлаганлиги ҳақида гапиринг.

2- карточка. Алишер билан булбулнинг суҳбатини китобдан топиб ўқинг.

3- карточка. Алишер билан Ҳусайннинг болалари ҳақида гапиринг.

4- карточка. Шоир ва шоҳ ўртасида қандай ўхшаш жиҳатлар бор?

**II.** Ўқувчиларга Навоий ҳикматларини магнитофон орқали эшиттириш ва моҳиятини ёритиш. Сўнг дўстлик ҳақида қисқача суҳбатлашиб, янги мавзу — Иброҳим Донишнинг «Иноқликда гап катта» шеърини ўқувчиларга ўқиб бериш мазмунини расмлар ёрдамида биргаликда таҳлил қилиш, луғат билан ишлаш.

**III.** Савол-жавоб ёрдамида шеър мазмунини мустаҳкамлаш:

**IV.** Ўқувчиларни баҳолаб, баҳосини эълон қилиш.

**V.** Уйга шеърни ёдлаб, Навоий ҳикматларини ўзлари ясаган китобчага ёзиб қўйишни топшириб, дарсни яқунлаш.

Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқув фаолиятини ташкил этиш бўйича амалга оширилган тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари кейинги 2.2. параграфда ўз ифодасини топган.

## **2.2. Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этишда тажриба-синов ишлари ва уларнинг натижалари.**

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларида асарларни ўргатиш бир неча босқичларда амалга оширилди.

**Дастлабки босқич** - бу уларга кенг кўламли тарзда ташкил этилган асарлар ҳақидаги билимлар тарғиб қилинди. Бунда «Ўқиш» дарслари асосида ўқувчиларга етарли даражадаги билимларни бериш бажарилди. Мазкур жараёнда ўқувчиларнинг билимларни эгаллаш, ёзувчи ва шоирларнинг асарларидаги инсонийлик, одамийлик, меҳр - оқибат каби фазилатлар моҳиятини тушуниш, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида, Давлатимиз Конституцияси ва рамзларида асарларни ўргатиш, уларнинг онгига етказишга аҳамият берилди.

Бунда ўқувчиларнинг кўпчилик қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти, Давлат Конституцияси ва рамзларини ҳурмат қилиш ўзларининг фуқаролик бурчи эканлигини билдириш билан бирга, уларда ифодаланган меҳнатсеварлик, инсонийлик ҳақидаги билимлар борасида ўз фикрларини баён этдилар. Баъзибир ўқувчилар бу соҳада паст даражада билимга эга эканликларини билдирганлар. Мазкур ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга бўлган интилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларнинг деярли барчаси асарларнинг моҳиятини чуқур англамасдилар. Кузатишлар шуни кўрсатдики, ўқувчилар фаолиятида олижаноб фазилатларни шакллантириш алоҳида мақсад қилиб олинмаган. Биз ана шу камчиликларни бартараф этиш учун бошланғич таълим мактаби ўқувчиларида инсонийликни шакллантиришда қуйидагилар асосий вазифалар қилиб белгиладик:

1. Ўқувчиларнинг билимларини амалиётга тадбиқ этиш асосида уларда ўқиш борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, инсонийлик, фаолликни қарор топтириш;

2. Ўқувчиларда меҳнатсеварликни, олийжанобликни шакллантиришда муҳим восита бўлган дарс ва синфдан ташқари машғулотларни қуйидаги шакл ва методларда амалга ошириш:

а) Ўқувчилар онгига таъсир этувчи тарбия методлари - ҳикоя қилиш, тушунтириш, савол-жавобни ташкил этиш, меҳнатсеварлик ҳақида суҳбат, намуна кўрсатиш, баҳс, мунозара, учрашув, олимпиадалар ўтказиш, матбуот материаллари, ўқув ва ёрдамчи адабиётлар билан ишлаш ва бошқалар;

б) Эзгу фазилатларни шакллантиришга кўмаклашувчи методлар - ролли ҳамда ишончли ўйинларни йўлга қўйиш, деворий газета ва меҳнатсеварлик журналларини тайёрлаш.

Бошланғич таълим босқичи ўқувчиларида асарларни таҳлил қилишни шакллантиришга йўналтирилган дарс ва синфдан ташқари тарбиявий тадбирларни ташкил этишда қуйидаги воситаларга таяниб иш кўрилди:

Ўқувчиларнинг шахсий ёндошуви, жамоатчилик фикри, намуна кўрсатиш, кўргазмали қуроллар намоиши орқали, меҳнатсеварлик муносабатлар жараёнини ташкил этиш;

Тажриба - синов жараёнида дарс ва синфдан ташқари машғулотларни, асарларни таҳлил қилишни шакллантириш методи ва тарбия бирлиги, меҳнатсеварлик мазмунидаги тадбирларнинг ягона мақсадга йўналтирилганлиги каби тамойиллар асосида ташкил этилди.

Бошланғич таълим жараёнида, ўқувчилар томонидан асарларни таҳлил қилишни шакллантириш бир неча босқичда амалга оширилади. Бунда ўқитувчилар конкрет фанни ўқитиш жараёнида айнан шу босқичларнинг боғланиш нуқтасини топиши муҳим методологик аҳамиятга эга. Зеро, ўқувчиларнинг турли фанларда асарларни таҳлил қилишни ўзлаштириш имкониятлари ва фаолликлари турлича бўлади. Шу нуқтаи назардан, ўқитувчи томонидан, муайян предметнинг таҳлил билан боғлиқ ёритиши, шартли равишда, қуйидаги босқичларда изчил амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

**Биринчи босқич**–ўқувчилар онгида таҳлилни шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ҳамда вазифалари белгиланди;

**Иккинчи босқичда**–муайян асар доирасида таҳлилни изоҳлаш, ифодалаш усуллари ва воситаларини танланди;

**Учинчи босқичда**–ўқувчиларнинг тасаввурларини, назарий билимларини ва уларни амалга ошириш кўникмаларини мустаҳкамланди;

**Тўртинчи босқичда**–ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, амалий кўникмалар даражасини назорат қилиш ва баҳолашдан иборат бўлди.

Юқорида кўрсатилган босқичлар ўртасидаги изчил боғланиш, ўқувчи онгида асар ҳақида яхлит, тўлиқ ва аниқ тасаввурларнинг вужудга келиши учун асос бўлди.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчилар томонидан таҳлилни шакллантириш тушунчаларининг ўзлаштирилиш даражаси ҳам аниқланди. Уларга қуйидаги саволлар тақдим этилди:

1. Сиз учун «Асар таҳлили» тушунчаси нимани англатади?
2. «Таҳлил» деганда нимани тушунасиз?
3. Қайси ёзувчи ёки шоирнинг асарида инсонийлик масаласи кенг ёритилган?
4. Сиз одамийлик деганда нимани тушунасиз.?
5. Сиз учун «Инсон», «меҳнатсеварлик», тушунчалари нимани англатади?
6. «Меҳнатсеварлик, дўстлик» тушунчаларини сиз қандай шарҳлайсиз?

Шуни айтиш керакки, кичик ёшдаги ўқувчиларда асар таҳлилинини шакллантиришда дарс машғулотлари ва ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан ишлаш маҳорати муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир дарснинг мақсади ўқувчиларнинг онги, ҳис - туйғуси ва хулқ - атворига таъсир кўрсатишга қаратилган бўлиши лозим. Дарс ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида суҳбат учун тузиладиган саволлар қуйидаги талабларга тўла жавоб бериши зарур:

1. Саволлар ўқитувчи тамонидан пухта ўйлаб тузилиши, болаларни ўйлашга, атрофлича фикр - мулоҳаза юритишга мажбур қилиши;

2. Саволлар ўқувчилар савиясига мос ва тушунарли бўлиши, сон жиҳатида кўп бўлмаслиги;
3. Саволларнинг ихчам мазмунли, сифатли бўлишига эътибор бериш, саволлар дарсинг умумий мақсадини очишга қаратилиши;
4. Саволлар ўқувчиларнинг меҳнатсеварликни шакллан-тиришга қаратилиши;
5. Саволлар ўқувчиларнинг ҳис - туйғуларига таъсир этиши ва уларнинг ақлий ҳиссиётини тарбиялашга хизмат қилиши;
6. Саволлар ўқувчиларнинг асар таҳлили ҳақидаги тушунча ва билим-ларини ривожлантиришга қаратилган бўлиши ва бошқалар.

Дарс жараёнида ўқитувчилар Навоий асарларидан «Навоийнинг ёшлигидан лавҳа», «Доноларнинг доноси», «Алишер билан булбул», «Нон ҳиди» ҳикоясидан, Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Ота - она ҳурмати», «Тўғрисўзлик ҳақида», «Катталар меҳнатини қадрлаш ҳақида», ўзбек халқ эртақларидан «Зумрад ва Қиммат», «Эгри ва тўғри», «Уч оға ини ботирлар», «Ёрилтош» каби эртақлардан, ўзбек мақолларидан, ҳадислардан, буюк ёзувчи ва шоирларнинг асарларидан кенг фойдаланишлари зарур.

Ўқувчиларни ўз ота-онасига муҳаббат руҳида ўстириб уларни тўғри сўз, меҳнатсевар, жасур, кўрқмас бўлишида «қоч болам, қуш келди», «Зағизғон», «Читти гул», «қушим боши», «Чори чамбар», «Мушук ва сичқон», «Дим - дим», «Тапур - тупур қалдирғоч», Холам меҳмонга келди» каби ўйинларни ўтказиш ўз самарасини беради. Ўқувчиларга дарсдан ташқари жараёнда миллий лапар ва қўшиқларни ўргатиш, Наврўз, Ҳосил, Меҳрижон байрамларини мунтазам ўтказиш, Навоий, Бобур, Муқимий, Фурқат каби шоирларнинг шеърлари билан таништириш болаларда инсонпарварликни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ўқувчиларда таҳлилни шакллантириш натижасида меҳр - муҳаббат, мурувват ва оқибат, сахийлик, саховат диёнат, қаноат, ҳиммат, адолат, сабр-тоқат, меҳрибонлик, ростгуйлик фаҳм-фаросатлилик, зийраклик каби

маънавий хусусиятлар таркиб топади. Таҳлилни шакллантириш ҳақидаги билим ва дунёқарашини ривожлантириб боради. Биз ана шу талаблардан келиб чиқиб бошланғич таълим жараёнида кичик ёшдаги ўқувчиларда таҳлилни шакллантириш кўникма ва малакаларига алоҳида аҳамият бердик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда таҳлилни шакллантиришни юқори, ўрта, қуйи даражаларга бўлдик.

**Юқори даража:** одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлади, ўзининг атрофидаги кишилар ҳақида ғамхўрлик қилади. У доимо дўстликни улуғлаб, миллий анъаналар ва маданиятга, бошқа миллат кишиларига ҳурматсизларча муносабатда бўлувчиларнинг пойини қирқади.

**Ўрта даража:** кишиларга ғамхўрлик қилади. Меҳр - шафқат ишларида иштирок этади. Бошқа миллат кишиларига ёрдам беришга тайёр бўлиб, миллий анъаналар ва маданиятга ҳурмат билан қарайди. Дўстлик ишларида қатнашади. Аммо уларнинг фаолиятида узилишлар бўлиб туради.

**қуйи даража:** ўқитувчи ёки жамоанинг топшириғига кўра атрофдагиларига ёрдам беради. Миллий анъаналар ва маданиятга қизиқиш билан қарайди, бошқа миллат кишиларига ундагандан кейин ва назорат остида ёрдам беради.

Таҳлил жараёнини шакллантиришнинг алоҳида шакллари ўз ичига қуйидагиларни олади. Таҳлилни шакллантиришга оид адабиётларни ўқиш-ўрганиш; маънавий мерос, ёдгорликлари ҳақида маълумотга эга бўлиш, буюк сиймоларнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишиш, ўқувчиларнинг оилавий турмуши ва соғлигини кузатиш, ҳужжатли материаллар билан ишлаш, кичик ёшдаги ўқувчилар билан «Ўзбек халқи - меҳнатсевар халқ», «Салом бериш ҳам қарз, ҳам фарз», «Камтарга камол», «Поклик имондандир» каби мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, мактаб атрофидаги ерларга экскурсия ташкил этиш, савол - жавоб ўйинлари мусобақалар ўтказишни ташкил этиш, оммавий иш шаклида «Алишер Навоий меҳнатсевар», «Соҳибқирон Амир Темур» каби эрталиклар ўтказиш кабилардир.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Мактабда ўқувчиларга фақат умумий таълим бериш билан чекланилмайди, унда ижодий меҳнатнинг зарурий шарти бўлган мустақил фикрлаш кўникмаси ҳам ривожлантирилиб, ҳар бир ишга ижодий ёндашиш хисси шакллантирилади ва камол топтирилади.

Ўқувчиларга таълим беришда асосий мақсад улар онгига фан асосларини пухта сингдириш орқали уларни диёнатли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашишни тарбиялаш, эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётга татбиқ этиш қобилиятини ўстиришдан иборатдир. Бу жиҳатдан ҳам ўқиш дарслари бошланғич синф ўқувчиларини жамиятимиз олға сураётган юксак ғоялар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли ўқитувчининг дарсга тайёрланаётганида ҳал қилиниши зарур бўлган педагогик масалаларни олдиндан аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

Ўқувчиларда ижобий фазилатларни шакллантиришда бошланғич таълим мазмун-моҳияти билан катта имкониятларга эга.

Ўқиш дарсларида ижодий ишларини ташкил этиш асосида ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, миллий ғурур, юрт тинчлиги, юксак ахлоқий фазилатлар, меҳнатсеварлик туйғулари сингдириб борилади.

Бу борада таълим-тизимига технологик ёндошув, янги педагогик технологиялардан, бошланғич таълимнинг энг илғор тажрибаларидан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим-тарбияга яхлит жараён сифатида ёндошиб, синфдан ташқари ўқиш ишларини таълим жараёни билан узвий алоқада ташкил этиш орқали унинг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ.

**1.** Бошланғич синф ўқиш дарсларида ижодий ишларини ташкил этиш педагогик муаммо эканлигини 1 бобнинг 1 парagraфида назарий жиҳатдан асосланди.

2. Ижодий ишларини ташкил этиш ёрдамида ўқувчиларда таълим-тарбияни шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари ишлаб чиқилди.

3. Асарлар ёрдамида ўқувчиларда яхши фазилатларни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланди.

4. Асарлар ёрдамида ўқувчиларда ижобий фазилатларни шакллантиришни таъминлайдиган шакл ва методлар, воситалар тизимини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва тажрибада текшириб кўрилди.

Олиб борилган тадқиқот ишимиз натижаларига асосланиб қуйидаги тавсияларни тақдим этиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ўқувчиларда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш;

- ҳаётни англашга қизиқиш ҳиссини ўстириш, атроф-муҳит ва инсон характерининг мураккаблигини тушуниш қобилиятини ривожлантириш;

- Ватанга, халқига садоқатли бўлиш туйғусини шакллантириш;

- асарни таҳлил қилиш, асардаги адабий-ахлоқий, фалсафий масалаларни аниқлаш;

- ҳақиқий ватанпарвар ва меҳнатсевар, бор имкониятини юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги йўлида хизмат қилишдан аямайдиган маънавий баркамол инсонни шакллантиришга доир методик мажмуалар, ахборот-кўرғазмали материаллар яратиш;

-ўқувчиларда ижодий ишларини шакллантиришга қаратилган илғор педагогик технологияларнинг замонавий метод ва усулларини излаб топиш ва амалиётга жорий этиш;

- бошланғич таълим жараёнида ўқувчи шахси маънавиятини шакллантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;

- бошланғич туркум фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчилар маънавиятини шакллантириш бўйича ижтимоий педагогик йўналишда илмий-тадқиқотлар олиб бориш ва ҳоказо.

Бундан ташқари, бошланғич таълим жараёнида қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- Дидактик асарлар ёрдамида ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда машғулотлар уюштириш;

- Бошланғич таълим жараёнида Ўзбекистон мустақиллиги туфайли умуминсоний, миллий маънавий қадриятлардан кенг фойдаланиш;

- Ўқувчиларнинг ижодий ишларини тарбиялашга қаратилган ташвиқот-тарғиботчилик фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият бериш;

- Ижодий ишларини ташкил этиш ёрдамида ўқувчиларда яхши фазилатларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари, мазмун, шакл ва методлар бирлигини таъминлаш ҳамда ўқувчи шахсини камол топтириш.

Бошланғич таълим жараёнида олиб борилган кузатиш ишлари ва ўтказиш педагогик тажрибаларимизни хулоса қилиб шунини айтиш керакки, бошланғич синфлар ўқиш дарсларида кичик ёшдаги ўқувчиларда таълим-тарбияни шакллантиришда қуйидагиларни тавсия қиламиз:

1. Ўқувчиларнинг таржимаи ҳолини ўрганишда уларнинг ҳаётидаги ибратли воқеалар ва ўртоқларча ўзаро ёрдамлашиш масаласига оид саволлар қуйиш йўли билан дарс ўтиш.

2. Ўқувчиларга бирор бир мавзудан таъсирланган мисолларни топиб келишни уйга вазифа қилиб бериш.

3. «Ўқиш» дарсларида мавзу ўрганилаётганда ўқувчиларни мавзудаги воқеаларни акс эттирувчи мисоллар топишга ўргатиб бориш.

4. Алломаларимиз таржимаи ҳоли ва ижодини ўрганишда ўқувчиларни саволлар туздиришга ўргатиш.

5. Дарс жараёнида ўқувчиларни тарбиялашда кўرғазмали қуроллардан, техник воситалардан фойдаланиш.

6. Дарс жараёнида ўқувчиларда билимларни мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг олдиндан яхшилаб тайёрланиб келишига эришиш.

7. Дарсда ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қиладиган асарлардаги қаҳрамонларнинг образларини ва бу асарлардаги мавзуга доир томонларини ажратиб олишга имкон берувчи қисқа суҳбатлар ўтказиш.

Юқорида таъкидланган тавсияларнинг натижали бўлишида бошланғич таълим мактабларининг дастурлари мазмунига аниқ йўналишлар киритилиши лозим. Ўқитувчилар «Ўқиш китоби» дастуридан ўқувчиларни тарбиялашда кенг фойдаланишлари лозим.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. - Ўзбекистон XXI аср бўсағасида.-Т.: «Ўзбекистон». 1997.
2. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: «Шарқ». 1992.
3. Абдуллаева Қ., Раҳмонбекова С. 2-синфда ўқиш дарслари. Ўқитувчи китоби. -Т.: Ўқитувчи, 2004.
4. Абдуллаева Қ., Юсупова М., Маҳмудова М., Мавлонова М. Ўқиш китоби. (2-синфлар учун дарслик). -Т.: «Ўқитувчи». 2001.
5. Абдуллаева Қ., Назаров К., Йўлдошев Ш. Савод ўргатиш методикаси. – Т.: «Ўқитувчи». 1996.
6. Бобоев Т. Шеър илми таълими. –Т.: «Чўлпон». 1996.
7. «Бошланғич таълим» журнали. 2000-2007 йй.
8. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: «Ўзбекистон». 1998.
9. Иномхўжаева С., Зунунова А. Ифодали ўқиш асослари. -Т.: «Ўзбекистон». 1978.
10. Педагогика тарихидан хрестоматия. -Т.: «Ўқитувчи». 1993.
11. Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: «Фан». 2003.
12. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқ мероси нашр. 1999.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон. 2001.
14. Педагогика. А.Х.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида. - Т.: Ўқитувчи. 1996.
15. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиянинг моҳияти. Ж.Халқ таълими .1999.№ 1.-97-102 б.
16. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар. (Тузувчи-муҳаррирлар: А.Зуннунов ва бошқ.) – Т.: Фан. 1996.

17. Қурбонов Ш. Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ. 1998.
18. Қодиров Б.Р. Синф зукколари танлаш методикаси. Ёш истеъдодларни излаймиз. Методик қўлланма. Республика истеъдод маркази. - Т.: 1998.
19. Умарова М. Ўқиш китоби. (3-синфлар учун дарслик). -Т.: «Ўқитувчи». 2001.
20. Юсупова Ш. Ўқитувчи китоби. -Т.: «Ўқитувчи». 2003.
21. Маъкулова Б. ва бошқалар. Синфдан ташқари ўқиш машғулоти. -Т.: «Ўқитувчи». 1986.
22. Зуннунов А., «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар». - Т.: «Ўзбекистон». 1997.
23. Иномова М., «Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси». -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
24. Искандаров Х. ва бошқалар, «Ўзбек педагогикаси анталогияси», I-II жилдлар. -Т.: «Ўзбекистон», 1995 –1999.
25. Умарова М., 3-синфда ўқиш дарслари. Ўқитувчи китоби - Т.: «Ижод дунёси», 2004.
26. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати.-Т: «Ўқитувчи». 1975.

### **Интернетдан олинган адабиётлар**

1. Урок-основная форма организации обучения в современной школе |  
www.repherat.ru/reph/13459.shtml (24 КБ) 06.02.2004.
1. Формў организачия обучения. ric.uni-altai.ru/Fundamental/Art-ni/pr-log.htm (8 КБ) 24.04.2003
2. Формў организации обучения ntu-kpi.kiev.ua/rus/Educ/teac.html (15 КБ) 05.10.2002
3. Формў организации обучения: - урок.  
www.apatity.fio.ru/projects/pr272/languages.htm (40 КБ)

## И Л О В А Л А Р

### 1-ИЛОВА

#### **Бошланғич синф ўқиш дарсларида ўқувчилар ижодий ишларини ташкил этишда бадиий адабиётнинг имкониятлари**

1. Ўқиш дарсларида ўқувчиларни бадиий адабиёт намоёндаларининг ҳаёти ва фаолияти билан таништириш;

2. Асарлар ёрдамида ўқувчиларга бадиий адабиёти ҳақида маълумот бериш;

3. Бадиий адабиёт ва ундаги ахлоқ-одоб, меҳнатсеварлик масалаларини ўқувчиларга тушунтиришни амалга ошириш. Бадиий адабиёти намуналаридан ифодали ўқиш жараёнида ўқувчилар диққатини шоир ва ёзувчиларнинг инсон, меҳнатсеварликга бўлган муносабатини кўрсатиш ва инсонни камолотга етказишдаги тарбиявий аҳамиятига эътибор бериш;

4. Бадиий адабиёт бўйича Ватан, ватанпарварлик, имон, меҳнатсеварлик, дўстлик, виждон каби мавзуларда ўқувчиларга мустақил ижодий ишлар топшириш;

5. Бадиий адабиёт ижодини ифодали ўқиш, унинг мазмуни ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамиятини ўқувчиларга тушунтириш;

6. «Алишер Навоий – буюк ўзбек мутафаккири», «Аждодларимиз мероси – битмас хазина» мавзуларда адабий кечалар, синфдан ташқари тадбирлар, мушоирлар ўтказиш;

7. Ижодкорларининг болаларга бўлган меҳр-муҳаббати ҳақида ўқувчиларга тўлиқ тушунча бериш.

**Бошланғич таълим жараёнида ижодий ишларини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ва вазифалар**

1. Ўқувчи бадиий адабиётни ўрганиш жараёнида олган билимларини ўзлаштиришга нисбатан ички эҳтиёж ҳамда қизиқишнинг пайдо бўлишга эришиш.
2. Ўқувчига бадиий адабиёт мазмуни таркибида ватанпарварликка доир билимларни бериш.
3. Ўқувчилар томонидан бадиий адабиёт борасидаги билимларни пухта ва чуқур ўзлаштириш учун муайян шарт-шароитлар яратиш.
4. Ўқувчилар томонидан бадиий адабиёт борасидаги билимларининг чуқур ўзлаштирилишига эришиш.
5. Бошланғич таълим ҳамда бадиий адабиёт борасидаги билимлар асосида ўқувчиларнинг ахлоқий сифатларини бойитиш.

**Бадиий адабиётни ўрганишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилиш**

1. Бадиий адабиётни ўрганишда «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да кўрсатилган узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш принципларига амал қилиш мақсадга мувофиқ.
2. Таълим устиворлиги.
3. Таълимни демократлашуви.
4. Таълимни меҳнатсеварлашуви.
5. Таълимни ижтимойлашуви.
6. Таълимни миллий йўналтирилганлиги.
7. Таълим ва тарбияни узвий боғлиқлиги.
8. Иқтидорли ёшларни аниқлаш.